

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ» КАФЕДРАСИ

«ГЎШТ-СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ» фани

«Сменада 3000 кг пиширилган колбаса ишлаб чиқариш технологик  
линиясини ташкил этиш» мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

Кафедра мудири: \_\_\_\_\_ доц. Чориев А.Ж.  
Рахбар: \_\_\_\_\_ к.ўқ. Исмоилов Т.А.  
Бажарди: \_\_\_\_\_ 36-11 гурух талабаси  
\_\_\_\_\_ Ақбаров Асқар

## MUNDARIJA

1.	Kirish	-3
2.	Xom ashyo tavsifi	-7
3.	Texnologik sxemani tanlash va asoslash	-12
4.	Mahsulot hisobi	-17
5.	Jihoz tanlash	-20
6.	Texnik – kimyoviy nazorat	-21
7.	Tayyor mahsulot sifatiga qo'yiladigan talablar	-24
8.	Asosiy uskunaning hisobi	-25
9.	Uskunalarga qo'yiladigan talablar	-32
10.	Atrof-muhit muhofazasi	-44
11.	Mehnat muhofazasi	-48
12.	Fuqaro muhofazasi	-53
13.	Foydalanimgan adabiyotlar ro'yhati	-63

## КИРИШ

Чорвачиликни ривожлантириш, чорвачиликка ихтисослашган саноат корхоналарини йириклаштириш, самарадорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш хозирги кунги ўсиб бораётган эҳтиёжлардан бири ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, турли ҳил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш инсонлар учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга. Гўшт саноати корхоналарида чорва молларини сўйишдан олинадиган маҳсулотлар тиббиётда айрим даволаш ишларида ниҳоятда зарур ҳисобланган дори-дармонлар, саноат чиқиндиларидан турли техник маҳсулотлар ва майда хар ҳил безак ва галантерия буюмлари тайёрланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича қўйидагилар ишлаб чиқарилади:

- Мол, чўчқа, қўй гўштини турлича қўринишида, яъни нимталанмаган, ва нимталангандек ҳолда, қадокдангандек ҳолда, бошка тур хайвон гўштини. совутилган, музлаган, дудланган, тузланган ва сулдирилган ҳолда сотувга чиқарилади.

- Субмаҳсулотларни совутилган, музлатилган ва тузланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Улар асосан: тил, жигар, буйрак, мия, юрак, елин, диафрагма, гўшт-суякли дум, чўчка калласи, мол оёқлари, қўй ва чўчқа оёқлари, ўпка, қулок, чўчқа ошқозони, катта қорин, лаблар, сикма (сычуг), трахея, қора жигар (қора талоқ)лардан иборат.

- Хом ёғ: мол ва чўчқаники, I ва II навли қўй ёғи, думба, чўчқа ёғи.

- Қиздирилган ёғ: мол, чўчқа ва қўй ёғ, шунингдек турли навдаги суюк ёғи.

- Колбаса маҳсулотлари: пиширилган, чала дудлаган, дудланган, қиймалангандек, ливер ва қон колбасаси, сосиска, сарделька, гўшт нони ва паштетлар.

- Чўчқа гўштини дудланган маҳсулотлари: окорок, рулет, буженина, ветчина, шейка, филей, бекон, корейка, грудинка, рульки ва голяшкалар.

- Мол гўштини дудланган маҳсулотлари: рулетлар, гўшт ва бошқалар.

- Қўй гўштини дудланган маҳсулотлари: окорок, рулетлар ва грудинка.

- Мол, чўчқа ва қўй гўштидан тайёрланган ярим фабрикатлар ва ошхона учун ишлатиладиган гўшт ва тугилган тайёр чучваралар.

- Барча турдаги чорва ҳайвонлари ва паррандалардан тайёрланган гўшт консервалари, макаронли гўшт консервалари, ўсимлик (сабзавот аралаштирилган) - гўшт консервалари.

- Концентратлар: гўшт кукуни, шўрва кубиклари, гўшт ва сабзавотдан тайёрланган суюқ таомларнинг қуритилган ва қадоқланган турлари.

Инсонларни кундалик ҳаётини чорва маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жумладан, бу борада гўшт ва гўшт маҳсулотларини тутган ўрни ниҳоят бекиёсдир. Тиббиёт Фанлар Академияси олимларининг тавсияларига кўра ҳар бир инсон истеъмол қиласидиган озиқ-овқат маҳсулотлари йилига гўшт ва гўшт маҳсулотлари, мойни ҳам қўшиб олганда, у 80 кг ни ташкил этиши лозим ёки кунига 220 г-ни ташкил этади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари инсон ҳаёти учун ниҳоят қимматли оқсил манбаи ҳисобланади. Гўшт оқсиллари ўсимлик оқсилларидан бирмунча юқори туради. Бинобарин, ҳайвонларнинг оқсили ва ёғлари инсонларнинг кундалик рационида ниҳоят салмоқли ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам кишиларни ҳайвон оқсили ва ёғига бўлган эҳтиёжи кун сайин ўсиб бормокда. Шунга кўра республикамиизда гўшт саноатининг ривожланишига катта аҳамият берилмокда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча туман ва вилоятларида чорвадор-фермерлар ҳаракати тобора кенг қулоч ёзмоқда. Бинобарин, умумий етиштирилаётган чорва маҳсулотларни 75-80% фермер хўжаликлари зиммасига тушмокда.

Мамлакатни 2005-2010 йиллар мобайнида иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш қишлоқ меҳнаткашчилари олдига чорвачилик

маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни янада кўпайтиришдек маъсулиятли вазифа қуилган.

Аҳоли даромадининг ўсиши, халқ оммаси турмуш даражасининг кўтарилиши муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ошира боради. Шунга кўра, кейинги йилларда мамлакатимизда гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ортмоқда. Агарда 1965 йилда киши бошига бу маҳсулотга бўлган талаб 41 кг -ни ташкил этган бўлса, 1970 йилга келиб бу 48 кг -га етди. 1983 йилда эса 59 кг -ни ташкил этди. 1985 йилда бу кўрсаткич ўзгаришсиз қолди ва кейинги йилларда то 2002 йилгacha бирмунча пасайиб борти.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг бундай йўналиши маҳсулот етиштиришнинг юқори суръатини таъминлайди ва унинг самарадорлигини оширади.

Саноат типидаги корхоналарда етиштирилган маҳсулот оддий корхоналарда етиштирилган маҳсулотдан маълум даражада афзал бўлади. Бу афзаллик шундан иборатки, чорвачилик комплексларида илғор технология, ишлаб чиқариш процеслари юксак механизациялашган, молларни сақлаш ва озиқлантиришнинг энг қулай шароитлари яратилган, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш саноат усулидаги корхоналардагидек уюштирилган бўлади.

Гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ва сифатли, арzon, тайёр яrim фабрикатлар, колбаса, сосиска, сарделка, гўшт консерваси каби озиқ турларини етиштириб бериш бозор иқтисодиётини асосий талабидир.

Ишлаб чиқаришда колбаса ва колбаса маҳсулотларининг турлари (ассортименти) жуда кўп. Уларга, сосиска ва сарделькалар, диабетик сосискалар, қиймали колбасалар, ливер колбасалар, тухумли ливер колбаса, дудланган ливер колбасалар, оддий ливер колбаса, Ш-навли ливер колбасалар, мевали ливер колбасалар, паштетлар, қон аралаштирилган колбасалар, пархез ва шифобахш колбаса маҳсулотлари, диабетик колбаса парранда колбасалари, I-навли чала дудланган колбасалар, II-навли чала дудланган колбасалар, Ш-навли чала дудланган колбасалар, хомлигича

дудланган (қаттиқ дудланган) колбасалар, хом дудланган I-навли колбасалар, Любительская, Российская, аъло навли пиширилган колбасалар, I-навли пиширилган колбасалар, II-навли колбасалар, III-навли колбасалар, гўшт нонлари.

Ишлаб чиқариш ҳажмига қўра пиширилган колбасалар биринчи ўрин эгаллайди. Уларни тайёрлаш учун, аввал гўшт майдаланиб қийма ҳолига келтирилади, қийма ичакка тиқилади, борланади, зичлаштирилади, қиздирилади, қайнатилади ва совитилади. Пиширилган колбасаларнинг навлари:

Аъло навли пиширилган колбасалар: бундай колбасалар аъло навли тозаланган мол гўштидан, ёрсиз чўчқа гўштидан ва чўчқанинг қаттиқ ёғидан тайёрланади.

Уларнинг энг асосийлари: любительская, докторская, краснодарская, шпикачка, столичная, белорусская деб номланган.

I-навли пиширилган колбасалар: асосан I-навли мол гўштидан тайёрланади. Лекин бироз бўлсада чўчқа гўшти ва чўчқа ёғи қўшилади. Унга қуидаги колбасалар мисол бўла олади: отдельная, московская, ветчина-рубленная, столовая колбасаси, чўчқа гўштидан тайёрланган колбаса, товук, гўштидан тайёрланган отдельная, ғоз ва ўрдак гўштидан қилинган колбасалар мисол бўлади.

II-навли колбасаларга: чайная, қўй гўштидан тайёрланган чайная, чўчқа гўштидан тайёрланган колбаса, закусочная ва чесноковая колбасалар мисол бўлади. Бу навли колбасаларга чўчқа ёғи камроқ қўшилади ва II-навли мол гўштидан тайёрланади.

III-навли колбасаларга: асосан молнинг калла гўштидан тайёрланган - саримсоқ пиёзли мол гўшти колбасаси мисол бўла олади. У ингичка бурама батонлардан иборатдир. Қиймаси тўқ қизил рангда. Унга чўчқа ёғи солинмайди. Бу колбасадан саримсоқ пиёз ҳиди гуркираб туради.

## ХОМ АШЁ ТАВСИФИ

## **Колбаса тайёрлаш учун асосий хом ашё ва ёрдамчи материаллар**

Колбаса тайёрлаш учун энг асосий хом ашё мол, чўчқа, қўй, бузок гўшти ва уларнинг калла-почалари, шунингдек қўй думбаси, баъзан йилқи, туя, буғу, парранда ва қуён гўштлари ҳисобланади.

Гўшт саноатининг асосий хом ашёси - барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалари ҳисобланади. Барча гўшт саноат корхоналарида қайта ишланадиган асосий хом ашёларга қорамол, қўй, эчки, қуён, парранда ва бошқалар киради. Бундан ташқари, гўшт учун от, туя ва бошка ҳайвонлар хам сўйилади.

Сўйиладиган ҳайвонлар хўжаликларнинг ўзида, ҳайвонларни сўйиш майдончаларида, қушхоналарда, саноатлашган гўшт ишлаб чиқариш корхоналарида дастлабки қайта ишланиши мумкин. Гўшт етиширишга мўлжалланган ҳайвонларнинг «сўйиладиган ҳайвон», ёки «гўшт учун боқилган», ёки «боқилаётган ҳайвон» деб аталади.

Гўштни қайта ишлаш натижасида колбаса маҳсулотлари, яrim тайёр маҳсулотлар ва қадоқлаб ўралган маҳсулотлар олинади.

Колбаса маҳсулотлари деб, гўшт қиймаси, туз, зира, қўшимчалардан тайёрланган, ичакда ёки ичаксиз истеъмол учун тайёр бўлгунча иссиқлик билан ишлов берилган маҳсулотга айтилади. Колбаса ўзининг тўйимлилиги, мазаси ва ёқимлилиги билан бошқа турдаги гўшт маҳсулотларидан ажралиб туради. Уни тайёрлашда гўшт таркибидаги суяқ, тоғай, чандир, бириктирувчи тукималари олиб ташланади ва унга тез хазм бўладиган турли зиравор қушимчалар солинади.

Колбаса тайёрлашда паст навли ёғсиз, ориқ, ҳайвон гўштлари, гўшт чиқитлари ва субпродукталар хам ишлатилиши мумкин, яъни кучайтирилади.

Уларнинг озуқавий қиймати, хазм бўлиши ва калорияси тайёр маҳсулотда бирмунча юксак даражада бўлади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари инсон организми учун энг энг керакли озуқавий қийматга эга бўлиб одамларнинг овқатланишида оқсиллар, ёғлар, витаминалар, минерал ва экстрактив моддаларнинг асосий манбаси ҳисобланади. Бу моддаларнинг тана аъзоларида биологик синтез ва энергетик фарқларни қоплаш учун ишлатилади.

Гўшт таркибида барча муҳим элементлар тайёр ҳолда бўлади ва улар инсон организмидаги моддалар алмашинуви жараёнида фаол иштирок этади. Гўшт мия учун ижобий таъсир кўрсатади, яъни мия яхши ривожланиши учун озиқни асосан гўштдан олади.

Оқсил – маҳсулотнинг асосий таркибий қисми сифатида турли хил аминокислоталардан ташкил топган. Тиббиёт олимларининг кузатишларига қўра вазни 75-105 кг келадиган, катта ёшли одамлар қунига ўртacha 105-150 г оқсил истеъмол қилиши керак экан. Бундай миқдордаги оқсил асосан гўшт ва гўшт маҳсулотларидан олинади. Гўшт таркибида ўртacha 20% оқсил учрайди.

Озуқавий оқсил қўшимчалари асосан қайнатилган колбасалар ва айрим колбаса асортименти маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади. Яна ҳайвон оқсиллари, қон зардоби плазмаси, сут кабилардан кўпроқ фойдаланилади. Ўсимлик оқсили сифатида кўпроқ кукун холидаги соядан фойдаланилади. Булар озиқ қиймати ва сифатини қисман яхшилайди.

Ёғ - тана азоларини хамма жойида учрайди. Асосан мускуллар орасида, дум асосида, тери остида ва ёғ тўқималарида йифилади.

Мол ёғининг органалептик ҳусусиятлари (таъми, ҳиди, консистенцияси, ҳазм бўлиши) унинг таркибидаги ёғ кислоталарининг нисбатига боғлиқ эканлиги аниқланган.

Мол ёғи қаттиқ сустлик билан эриш ҳусусиятига ва ёмон ҳазм бўлишига қўра маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, у колбаса тайёрлашда жуда кам фойдаланилди. Колбаса тайёрлаш учун ёғсиз, лекин оқсилга бой бўлган II-категория ва ундан хам пастроқ гўшт энг маъқул ҳисобланади.

Ёғ колбаса туйимлилигини оширади, унга юмшоқлик ҳусусиятини яхшилаш имконини беради. Колбаса тайёрлашда асосан тез эрувчи ва яхши ҳазм бўлувчи қиймаланган чўчқа тери ости мойи купроқ фойдаланилади.

Айрим ҳолларда чўчқа ёғи ўрнига думба ёғи ва мол тери ости мойидан хам фойдаланилади. Ёғ гўштнинг мазасини яхшилайди ва унинг калориясини кўпайтиради. Лекин, ёғ жуда кўпайиб кетса, унинг таъми ёмонлашади ва ҳазм бўлиши ҳусусияти қийинлашади.

Думба ёғининг ўзига ҳос ўткир мазаси ва ҳиди бўлмайди, колбаса пиширилганда эrimайди. Думба миллий колбасалар ва паст навли колбасалар тайёрлашда чўчқа ёғи ўрнида ишлатилади. Ёғни сифатли бўлишига 2 та омил таъсир кўрсатсди:

1. Микроорганизмларнинг ривожланиши
2. Кимёвий ўзгаришлар

Ёғ ёруғлик нури таъсирида бузилади. Ёғни бузилишидан сақлаш учун биологик омилларни ва кислород ( $O_2$ ), ёруғлик, хароратни зиёнли таъсирини йўқотиш керак. Ёғларни яхши сақлашни асосий шароити бу санитар-гигиеник тозаликка риоя қилишдир.

Мол гўшти - қиймаланган ҳолда ўзининг мазаси, хушхуўрлиги, консистенцияси ва ранги жиҳатдан асосий ўрин тутади. Унинг таркибида оқсил (асосан миозин) нинг салмоқли бўлиши, гўшт қиймасини қаттиқлик ҳусусиятини ошириш имконини беради.

Қўй ёғи ва гўшти қат-қат кўринишда ва ёғи қийин эрийдиган бўлгани учун у қадар ёпишқоқ бўлмайди. Шуниг учун қўй гўшти, кўпинча, мол гўшти билан аралаштириб ишлатилади.

Чўчқа гўшти - ўзининг юмшоқлиги, майнлиги, ёғининг тез эрувчанлигига қўра колбасанинг мазасини ва энергетик қийматини ошириш имконини беради. Кийма таркибида чўчқа гўштининг кўпайиб кетиши унинг рангини очроқ қилиб юборади.

Гүшт термик холатига кўра, янги суйилган ҳайвонники (парной), совутилган ва музланган бўлиши мумкин. Музланган гўшт даставвал муздан туширилиши лозим.

Бир қанча турдаги колбасаларни ишлаб чиқаришда I ва II - категорияли субпродуктлардан кенг миқёсда фойдаланилади. Масалан, қиймаланган колбасалар учун ҳайвон тили, ливер, паштет, пархез (диетик) колбасалар учун жигардан фойдаланилади.

Ёрдамчи хом ашё турлари сифатида, сут маҳсулотлари (янги сут, қуритилган сут, ёғсизлантирилган сут, саримой) қушилса колбасанинг тўйимлилик қийматини оширади. Сут колбаса рангига чирой беради, оқсил қийматини яхшилайди ва мазасини, ҳушхурлигини оширади. Саримой колбасанинг энергетик қийматини кучайтиради ва унга майнинлик, юмшоқлик берган ҳолда ҳазм бўлиш ҳусусиятини тезлаштиради.

Тухум маҳсулотлари ҳам колбасалар тайёрлашда кенг кўлланади. Масалан, янги тухум ва тухум кукуни колбасанинг тўйимлилик қийматини ошириш билан бирга қиймадаги гўшт бўлакларини бир-бири билан яхши ёпишишини таъминлайди.

Ун ва крахмаллар айрим колбаса қиймасига аралаштирилади. Ундан асосий мақсад намликни камайтириш ва қиймани ёпиштоқлик ҳусусиятини оширишдан иборат. Иссиқлик бериб ишлашда крахмал жадал ҳолда ишади, лекин маҳсулотдаги оқсилни камайтиради. Шу билан бирга бундай колбасаларни узоқ сақлаб бўлмайди. Крахмал миқдори кўпич билан умумий қийма миқдорини 2-3 % дан ошмаслиги тавсия қилинади.

Зиравор ва дориворларнинг маҳсус эритмалари колбасага ҳушбўй ҳид, ёқимли маза бериши билан муҳим аҳамият касб этади. Дориворлар сифатида: кора мурууч, оқмурууч, гвоздика, корица, кардамон, кориандр деб номланувчи маҳсус дориворлар кўпроқ ишлатилади.

Ош тузи - ҳам муҳим қўшилмалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ҳар 100 кг қиймага: қайнатилган колбасалар учун 2-2,5 кг, чала дудланган колбаса қиймасига 3 кг, дудланган колбасалар қиймасига 3- 3,5 кг туз

солиш меъёр даражада ҳисобланади. Ош тузи ҳам ўз ўрнида колбасаларга бироз шўрроқва ёқимли маза беради. У қиймани ёпишқоқлигини ва намликни сақлаш хусусиятини оширади.


Колбасаларнинг пустлок қавати уларни муайян маълум шакл-формада бўлишини, ифлосланишдан сақлаш, турли микроорганизмларни юқишини олдини олиш, оксидланмаслиги учун ва қийма намлигини сақлаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Пўстлок қаватни мавжудлиги туфайли колбасаларни иссиқлик бериб ишлашда унинг таркибидаги оқсил эртимаси сақланади, экстрактив молдалар пасайиб кетмайди ва асосийси колбасаларни узоқ вақт яхши сақлашга имкон яратади.

Саримсоқ пиёз ва оддий пиёз ҳам кўп маҳсулотларда қўлланилади. Улар колбосага ёқимли ва маъза киритади. Айрим хомлигича дудланган колбасалар қиймасига маълум миқдорда коняк ёки вино қўшилади. Бунинг натижасида унинг маъзаси, ҳиди ва ёқимли даражаси бирмунча яхшиланади.

Натрия нитрати колбаса қиймасини рангини оч ёки тўқ бўлишида ишлатилади. Масалан, чала дудланган ва қайнатиб дудланган колбаси қиймасига 20 %, хом дудланган колбасалар учун бу қўрсаткич 7,5 % бўлиши тавсия этилади. Шакар нитритни оксидланиши учун фойдаланилади. У колбосага ёқимли маъза беради ва туз ҳам муруч тини кесибди, аччиқлик даражасини камайтиради.

## ТЕХНОЛОГИК СХЕМАНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

Пиширилган колбаса ишлаб чиқариш технологик схемаси



1. Ярим танани бўлаклаш. Танани бўлаклашдан мақсад, ярим тана ва танани алоҳидаги салатни салтлашадиги якдан ажратиш жараёнини енгилаштириш ҳисобланади. Колбаса ёки қобиқлаб ўралган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тана бўлакланганда қуйидаги бўлаклар ҳосил қилинади.

Совутиш (4-8 соат) ва сақлаш (8 °C, 48 – 72 дақиқа)

Бўлаклашни яхши мақсадли йўли бу камбинацион схемада бўлаклаш. Бу схемани ВНИИМП тавсия этган. Бу схема бўйича бўлакланганда анча қимматли тана қисмлари: гурудинка, сон биқин қисми, бел қисми, елка қисмлари бўлаклари сақланиб қолинади.

2. Бўлакларни мускулини, ёғли ва бириктирувчи тўқималарини, гўштини суяқдан ажратиш обвалка дейилади. Бу жараённи яна лаҳмлаш ҳам деб аталади. Лаҳмлаш деференлаштирилган йўл билан олиб борилади. Деференлаштириш деганда, хар бир ишчи танани маълум бир қисмини лаҳмлашга иҳтисослашган бўлиши дегандир. Бу жараён маҳсус пичоқларда олиб борилади. Гўштни суяқдан ажратганда унда гўшт қолиб кетмаслиги керак. Гўшт суяқдан қийин ажраладиган жойларида қисман гўшт қолдирилади ва уни қадоқланган маҳсулот ҳолда сотувга чиқарилади.

3. Гўштни суяқдан ажратиб бўлгач уни пайлардан, тоғайлардан, қонталаш жойлардан ва майда суяклардан тозаланади. Тозаланган гўшт бўлакларини 400 – 500 гр. ли кичик бўлакларга бўлинади ва тузлаш жараёнига жўнатилади.

4. Корхоналарда гўштни тозалаш ва навларга ажреш маҳсус қурилмалар ёрдамида бажарилади. Бунда гўштни мускул ва бириктирувчи тўқималарнинг пишиқлигига қараб навларга ажратилади. Қуйидаги навларга ажратилади:

1. Олий нав – тоза гўшт тўқималардан иборат биоиктирувчи тўқималар, гўшт навлари гўшт мейёри 15-20 %;

2. Биринчи нав – 6 % гача юпқа бириктирувчи тўқималарга эга бўлган гўшт бўлаги, гўшт навлари чиқиш мейёри 45-50 %;

3. Иккинчи нав – 20 % гача юпқа бириктирувчи тўқималарга эга бўлган гўшт бўлаклари, гўшт навларини чиқиш мейёри 35 %.

5. Навларга ажратиб бўлинган гўшт бўлаклари, тешикчалари 16-25 мм бўлган валчок орқали ўтказилиб майдаланади. Колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган валчокларнинг энг кенг тарқалган тури бу диаметри 220 мм-лигидир. Бу жараён маҳсулотини шрот дейилади.

6. Гүштни тузлаш 2 усулда олиб борилади:

1. Йирик бўлакларни тузлаш;
2. Шрот кўринишида тузлаш

Гүштни тузлаш жараёни 100 л сувда 30 кг тузни эритиб, 50 г нитрит ва 250 г селитра, айрим ҳолларда шакар ҳам қўшилади. Тайёрланган номокопнинг харорати 10-12 °C дан (1,2 вазнга) баланд бўлмаслиги керак. 100 кг мол гўшти тузланганда 13 кг, чўчқа гўшти тузланганда 11 кг номокоп ишлатилади. Гўшт қиймаланган бўлса туз тез ва меъёрда унга сингиб кетади. Шунда ҳам, унинг рангида ўзгариш юз бермайди. Тузланган маҳсулот ҳарорати 2-4 °C бўлган совутиш хоналарида сақланади. Пиширилган колбасалар учун туз 2,5 %, яrim дудланган ва дудланган колбасалар учун туз 3-4 % микдорда бўлади.

Гўштни тузлашда хар ҳил идишлардан фойдаланилади. Хозирги кунда 100 кг ҳажмли ёғоч бочкалар қўлланилади. Лекин улардан алюминий ёки зангламайдиган пўлат, метал тоғаралар ўзиб кетмоқда.

7. Гўштни етилтириш 2 – 4 °C да, 6-12 соат давом этади. Бу жараёнда тузланган гўшт, қийма тайёрлаш учун етилтирилади. Агар гўшт етилган бўлса у ёпишқоқ, ўзига нам тортувчан бўлиб, кейинчалик Майнин ва юмшоқ холатда бўлади.

8. Майнин майдалаш кутерда 8-15 дақиқа давомида амалга оширилади. Диаметри 2-3 мм бўлган қурилмада, валчокда майдалаш ишлари олиб борилади. Қийма тайёрлаш маълум рецепт асосида бўлиб, у тозаланган маҳсулотни, дориворларникоргич (аралаштиргич) машинасида бир ҳил ҳолга келгунча аралаштирилади ва қийма тайёр қилинади.

9. Тайёр бўлган қиймани шприцовка қилинади, яъни қобиқларни қийма билан тўлдирилади. Шприцланаётган қиймайнинг зичлиги колбаса турига қараб ундаги фарш ва термик ишлов бериш усулларига қаралади. Пиширилган колбасалар бўшроқ шприсланади, чунки унинг қиймасининг намлиги юқори бўлади. Колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришда табиий ва сунъий қобиқлардан фойдаланилади.

Табиий қобиқ сифатида мол, қўйларнинг ингичка, йўғон ичаги, сийдик пуфаги, қизил ўнгачларидан фойдаланилади. Бундай қобиқлар янги ёки тузланган ва қуритилган ҳолда бўлади.

Сунъий қобиқларга оқсилда (кутизин, белкозин), ўсимликда (целлофан қофозли), синтетик (полиэтилен) лар киради.

Сунъий қобиқлар хидланмаган, сасимаган, қуртламаган, тоза ва соф ҳолда бўлиши керак.

Колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 40 % ни табиий қобиқлар, қолганини сунъий қобиқлар ташкил этади. Қиймани қобиқقا тиқиши натижасида, у маълум шаклга эга бўлади. Қобиқ қиймани муҳит таъсиридан сақлайди. Қийма билан тўлдирилган қобиқни “батон” хам деб аталади.

10. Тайёр батонларни икки томонидан боғланади. Катта диаметрли қобиқлардаги пиширилган колбасалар хар 3-5 см оралиғида кўндаланг ҳолатда боғланади. Бундай усулда боғланган колбасаларни пиширсак қобиқнинг чидамлилиги ошади. Қийма тўлдирилган ва боғланган колбаса батонлари бир нечта жойидан тешиб қўйилади. Чунки қийма билан тўлдириш пыйатида ҳаво кириб қолиши мумкин.

Боғловчи материал сифатида асосан каноп ишлатилади. Қобиқдаги қийма зичланиши учун улар маҳсус ёғоч таҳталарга осиб қўйилади. Кўпинча батон танасидаги боғлов микдорига кўра колбаса номини аниқлаш мумкин.

Масалан:

1. Олий навли пиширилган “Докторская” колбасаси юқорисидан кетма-кет иккита боғланади.

2. Олий навли пиширилган “Диабетическая” колбасаси иккита чекка ва ўрта қисмларидан боғланади.

3. Биринчи навли пиширилган “Московской” колбасаси қуи қисмидан кетма-кет икки марта боғланади.

4. Биринчи навли пиширилган “Обыкновенной” колбасаси қуи қисмидан кетма-кет уч марта боғланади.

5. Биринчи навли пиширилган “Столовой” колбасаси юқори қисмидан кетма-кет икки марта ва қуий қисмидан бир марта боғланади.

6. Қовуриш юқори  $50 - 120^{\circ}\text{C}$  температурада,  $60 - 180$  дақиқа давомида тутун иштирокида иссиқлик билан ишлов бериш орқали олиб борилади. Бу жараёнда ташқи қобиқнинг оқсил моддалари пишиш даражасигача етади, коагуляцияланади, стерилизацияланади. Шунингдек, қийма нитритлар таъсирида бўялади, яъни нитрит миоглабинат билан ўзаро киришиб қиймага пушти ранга киради, ҳушбўлашади, ўзига ҳос ҳид, тамга эга бўлади. Қовуриш маҳсулотни бузилишидан сақлайди. Қовуриш ишлари қовуриш камераларида амалга оширилади.

7. Пишириш жараёни маҳсус бурхоналарда  $75 - 85^{\circ}\text{C}$  да,  $60 - 180$  дақиқа давомида бажарилади. Бу жараён натижасида маҳсулот таркибидаги оқсиллар ивийди, коагуляцияси юзага келади, коллаген елимсимон холатга ўтади, ферментлар парчаланади ва заарли микроорганизмлар нобут бўлади. Пишириш жараёни батоннинг ҳарорати  $75^{\circ}\text{C}$  бўлганда тўхтатилади.

8. Совутиш жараёни 20-25 дақиқа ҳаво ва совуқ душ остида амалга оширилади. Ҳаво билан совутилганда вазн йўқотиш 5% ни ташкил этади. Совуқ душда колбаса батонларига ёпишиб қолган сардак ва ёғлар ювиб ташланади, тозаланади. Совуқ душдан кейин колбасалар 4-5 соат узоқ муддатли,  $+4^{\circ}\text{C}$  ҳароратли, ҳаво намлиги 75-95% бўлган, совуқ ҳаволи камераларга жўнатилади. Камераларда 8-12  $^{\circ}\text{C}$  ҳароратда совутилади.

9. Колбаса маҳсулотлари ичида энг кам муддат сақланадигани пиширилган колбасалардир. Стандарт талаби бўйича пиширилган колбасаларни  $0^{\circ}\text{C}$  дан паст ва  $8^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратда 48-72 соат, ҳаво намлиги 75-95 % бўлган шароитларда сақланиши мумкин. Ишлаб чиқариш корхонасида 10 соатдан кўп сақланмаслиги керак. Шундан сўнг колбаса сотиш учун жўнатилади.

## **МАҲСУЛОТ ҲИСОБИ**

### **Колбаса маҳсулотлари учун**

Асосий ва ёрдамчи ҳом ашёларни ҳисоблаш ҳар бир кўринишдаги колбаса маҳсулотлари учун алоҳида олиб борилади. Бу ҳисоб маҳсулот тайёрлаш рецептурасини (таркибини) ва тайёр маҳсулот чиқиши миқдорини билган ҳолда қуидаги кетма-кетликда олиб борилади.

1. Асосий ҳом ашёни умумий миқдори:

$$A=100*B/C \quad \text{кг/смена}$$

Бу ерда: A-асосий ҳом ашёнинг умумий миқдори;

B-бир сменада ишлаб чиқарилган колбаса маҳсулотлари миқдори;

C-тузланмаган ҳом ашё оғирлигига нисбатан тайёр маҳсулотни чиқиш меъёри).

2. Асосий ҳом ашё турлари бўйича миқдори (мол, чўчқа гўштлари, чўчқа ёғи (шпик) ва бошқалар):

$$B=A*K/100 \quad \text{кг/смена}$$

Бу ерда: B-аниқ турдаги асосий ҳом ашёга эҳтиёж миқдори кг/смена;

K-100 кг умумий ҳом ашё миқдорида рецептура бўйича ҳом ашё ҳаражат меъёри, %-да;

3. Туз, дориворлар ва бошқа ёрдамчи материалларни сарфи, миқдори:

$$C=A*P/100 \quad \text{кг/смена}$$

Бу ерда: C-туз, дориворлар ва бошқа ёрдамчи материалларни колбаса маҳсулотларини турлари бўйича истеъмол миқдори, кг/смена;

P-100 кг асосий ҳом ашёга бўлган туз, дориворлар ва бошқа ёрдамчи материалларни сарф меъёри.

**Топшириқ: Сменада 3000 кг пиширилган колбаса ишлаб чиқариш.**

## **1. 1000 кг Мол гүштли пиширилган колбаса.**

1.1 Асосий ҳом ашёни умумий миқдори:

$$A=100*B/C=100*1000/120=833 \text{ кг/смена}$$

1.2 Асосий ҳом ашё турлари бўйича миқдори (мол, чўчқа гўштлари, чўчқа ёғи (шпик) ва бошқалар):

$$B_{O.H.M.G.}=A*K/100=833*40/100=333,20 \text{ кг/смена}$$

$$B_{B.H.M.G.}=A*K/100=833*35/100=291,55 \text{ кг/смена}$$

$$B_{ШПИК}=A*K/100=833*20/100=166,60 \text{ кг/смена}$$

1.3 Туз, дориворлар ва бошқа ёрдамчи материалларни сарфи, миқдори:

$$C_{TУЗ}=A*P/100=833*2,5/100=20,83 \text{ кг/смена}$$

## **2. 1000 кг пиширилган Юбилейный колбасаси.**

2.1 Асосий ҳом ашёни умумий миқдори:

$$A=100*B/C=100*1000/112=893 \text{ кг/смена}$$

2.2 Асосий ҳом ашё турлари бўйича миқдори (мол, чўчқа гўштлари, чўчқа ёғи (шпик) ва бошқалар):

$$B_{O.H.M.G.}=A*K/100=893*40/100=357,2 \text{ кг/смена}$$

$$B_{Я.Ё.Ч.Г.}=A*K/100=893*40/100=357,2 \text{ кг/смена}$$

$$B_{РУБЕЦ}=A*K/100=893*20/100=179 \text{ кг/смена}$$

2.3 Туз, дориворлар ва бошқа ёрдамчи материалларни сарфи, миқдори:

$$C_{TУЗ}=A*P/100=893*3/100=27 \text{ кг/смена}$$

## **3. 1000 кг пиширилган Олмалиқ колбасаси.**

3.1 Асосий ҳом ашёни умумий миқдори:

$$A=100*B/C=100*1000/115=869,56 \text{ кг/смена}$$

3.2 Асосий ҳом ашё турлари бўйича миқдори (мол, чўчқа гўштлари, чўчқа ёғи (шпик) ва бошқалар):

$$B_{B.H.M.G.}=A*K/100=869,56*55/100=478,25 \text{ кг/смена}$$

$$B_{Е.Ч.Г.}=A*K/100=869,56*30/100=260,87 \text{ кг/смена}$$

3.3 Туз, дориворлар ва бошқа ёрдамчи материалларни сарфи, миқдори:

$$C_{\text{ТУЗ}} = A * P / 100 = 869,56 * 2,5 / 100 = 21,74 \text{ кг/смена}$$

### **ЖИХОЗ ТАНЛАШ**

№	Қурилмаларнинг номи	Сони	Тури
1	Тарози	1	Но Ст
2	Суяқдан ажрати, тозалаш ва навларга ажратиш столи	1	Но Ст
3	Ташиш араваси	1	Но Ст
4	Волчок	1	K6-ФВП-160-1
5	Аралаштиргич ва қийма аралаштиргич	2	ФММ-150 ва Л5-ФМ2-М-340
6	Куттер	1	ВК-125
7	Шприц	1	ФШ2-ЛМ
8	Батонларни боғлаш столи	1	Но Ст
9	Рама	1	Но Ст
10	Қиздириш ва пишириш камераси	1	Но Ст
11	Совутиш ва сақлаш камераси	1	Но Ст

Гўшт ишлаб чиқариш ўзига хос специфик хусусиятларга эга соҳа бўлганлиги учун унга қатъий талаблар қўйилади. Бундай хусусиятлардан бири хом-ашёнинг турли – туманлигидандир. Қорамол ёки бошқа турдаги ҳайвонларни сўйиш ва уларни озуқавий яроқлилигини фақат ветеринар назорат орқали аниқлаб олинади. Шунинг учун ветеринар назорат гўшт ишлаб чиқариш корхоналаридаги асосий бўлимлардан бири эканлиги маълум.

Бундан ташқари хом-ашёнинг ташқи муҳит таъсири остида, биринчи навбатда микроорганизмлар ва ҳаво ҳарорати ошиши билан уларнинг сифатини ўзгариши муҳим аҳамиятга эга.

Бу ерда корхоналарда қатъий санитар назоратини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Яна бир муҳим омиллардан бири ишлаб чиқарилаётган хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар кимёвий таркиби мураккаб бўлганлиги, шу билан бирга уларнинг ассортиментлари турли туман бўлганлиги сабабли улар қўп турдаги назарий методлар билан аниқланади.

Гўшт ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш назорати қўйидагиларни ўз ичига олади; Ветеринар экспертиза – унинг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқаришга яроқли бўлган хом-ашёни ажратиб олиш ва касаллик билан зааралangan, инсон ҳаёти учун ҳавфли бўлган хом-ашё турларини қайта ишлашга йўл қўймасликдан иборат. Бу ҳолат ишлаб чиқаришга келтирилаётган турли ҳайвонларнинг ҳолатини ва уларнинг санитар кўринишини назорат қилишдан иборат.

Санитар назорат—корхоналарда аниқ санитар ва гигиеник режимларга риоя қилишни талаб этади.

Санитар назорат функцияларига қўйидагилар киради:

- а) Хом ашё, ярим тайёр маҳсулот, тайёр маҳсулотлар, ускуналар ва ишлаб чиқариш хоналарининг санитар назорати.
- б) Ишлаб чиқаришдаги ишчи ва ҳизматчи ходимларнинг санитар талабларига риоя қилишларини назорат қилиш.

Ишлаб чиқаришда техник назорат: Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг стандарт талабларига жавоб берадиган, технологик кўрсатмаларга риоя қиласиган хом-ашё, тайёр маҳсулотга қўйилган техник шароитларни бажарилишини таъминловчи назорат тури ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш техник назорат методлари тайёр маҳсулот турларига ва ҳусусиятларига қараб бир неча ҳилдан иборат.

Булардан бири: техник-кимёвий назорат ёки кимёвий, физик-кимёвий анализ усуллари билан назорат қилиш. Бу метод орқали ишлаб чиқарилаётган хом-ашё тайёр маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари аниқлаб борилади ва стандарт нормаларига ва технологик жараёнлар иши тўғри олиб борилганини текшириб борилади..

Органолептик кўрсаткичлар ёрдамида маҳсулот сифатига баҳо бериш, дегустация – тайёр маҳсулотнинг ташқи кўриниши, ҳиди ва мазасини аниқлаш демакдир. Баъзи бир ҳолларда органолептик кўрсаткичлар билан маҳсулот сифатига баҳо бериш кифоя қиласи. Бракераж ёки хом-ашё ва тайёр маҳсулот сифатини баҳолаш, шунингдек маҳсулотнинг ташқи кўринишига қараб уни сортировкалаш, навларга ажратиш ва бракларга ажратиш.

Ишлаб чиқаришда назоратни ташкил этиш асослари: Гўштни қайта ишлаб чиқариш корхоналарида бутун назорат функцияларини, ишлаб чиқаришни ветеринар назорат қилиш бўлими зиммасига юклатилади. Корхоналарда бундай бўлимлар ўз фаолиятлари давомида корхонада ишлаб чиқарилаётган хом ашё ва тайёр маҳсулот стандарт талабларига жавоб беришини таъминланишини назорат қилиб боради.

### **Ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш схемаси**

Тузлаш цехида назорат қўйидагича амалга оширилади:

- а) Корхонага келтирилган хом-ашё ва материаллар назорати.
- б) Технологик жараёнлар пайтида хом ашё сифати бузилишининг олдини олиш.
- в) Технологик жараёнларнинг аниқ бажарилиши ва уларнинг оптимал шароитда олиб борилишини таъминлаш.

г) Ишлаб чиқаришдаги юқори санитар гигиеник ҳолат назорати.

**Хом ашёни қабул қилиш.** Хом-ашёни қабул қилишда уни стандарт талабларига жавоб беринин текширилади. Органолептик аниқлаш йўли билан ишлаб чиқаришга келтирилган гўшт сифати назоратдан ўтказилади. Агарда хом-ашё шубҳа уйғотса, у ҳолда уни лаборатория текширувидан ўтказилади. Қабул қилишда унинг хужжатларини, оғирлигини ва бошқа техник шароитларини кўздан кечирилади. Корхонадаги назоратчи вет-сан эксперти, хом-ашёнинг яроқсиз эканлигини ва уни ишлаб чиқаришга юбормаслик ҳақида хулоса бериси мумкин.

**Бўлакларга бўлиш.** Бунда мол гўшти, қўй гўшти ва чўчқа гўшти танасининг тўғри схемада бўлакларга бўлиниши назорат қилинади. Шунингдек бўлакларнинг тоза ҳолда навларга қараб ажратилиши кузатилади.

**Тузли эритма ва аралашмаларни тайёрлаш:** Тузли эритма ва аралашмаларнинг рецептуралари назорат қилинади. Бунда аввало нитрат ва нитритларнинг дозировкалари, қуруқ тузли аралашмаларда тузнинг бир меъёрда аралашуви тўғрилиги кузатилади. Хом ашёни маҳсус тайёрланган идишларга солишдан олдин ареометр билан тузли эритманинг қуввати аниқланади. Эскирган эритмаларда вақти-вақти билан нитрит миқдори аниқлаб борилади. Шунингдек хом-ашёнинг бир-бирига тахланиши, уларнинг санитар-гигиеник ҳолатларда сақланишига эътибор берилади.

**Тузлаш.** Хона температурасининг ҳарорати ва тузлаш вақти назорат қилинади. Ўз вақтида хом-ашё бир жойдан иккинчи жойга ўрнини ўзгартириб турилади. Ўзгартириш вақтида органолептик сифат кўрсаткичларига эътибор қаратилади. Тузлашдан сўнг баллар бўйича баҳолаш ўтказилади. Ҳар бир идишлардан тузловчи эритмалар текширилиб турилади.

## **ТАЙЁР МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Колбаса ишлаб чиқариш учун хом ашё тайёрлаш ишлари кўп томондан бир ҳил бўлса-да уларнинг технологияси ҳар ҳил бўлади. Бу эса қуйидаги тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, юқорида баён қилингандек гўштни бўлакларга бўлиш ва нимтасини чопиш; гўштни суюклардан ажратиш; пай, кемирчак, майда сужкларни ва қонталаш жойларини олиб ташлаш; гўштни навларга ажратиш; гўштни қиймалаш ва тузлаш; чўчқа ёғи, ичак, дривор ва ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш энг муҳим технологик тадбирлардан ҳисобланади.

Колбаса маҳсулотларининг озуқавий жиҳатдан қулайлиги унга ъирор ишлов бермасдан тўппа-тўғри истеъмол қилинишидадир. Бу эса маҳсулот хом ашёсини тоза ва соф даражада бўлишини ва колбаса тайёрлашда санитария ва технология талабларига қатъий риоя қилиш лозимлигини тақозо этади.

Колбаса тайёрлаш учун энг асосий хом ашё гўшт ҳисобланади. Шунингдек, гўшт парчалари, суб маҳсулотлар (кала-пачалар), қўшимча маҳсулотлардан ош тузи, нитритлар, қанд, сут маҳсулотлари, турли ҳил зираворлар ва дориворлар, колбаса пўстлоғи ҳам талаб этилади. Қўшимча маҳсулотлар фақатгина колбаса мазаси, ҳиди, хушбўйлигини яхшилабгина қолмасдан, унинг нозиклигини, тўйимлилигини, ҳазм бўлиш ҳусусиятини ва зичлигини ошириш имконини беради.

Колбаса ишлаб чиқаришга мўлжалланган гўшт термек ҳолатига кўра совутилган ва музлатилган бўлиши мумкин. Лекин энг юқори сифатли (аъло навли) колбасалар совутилган, қисқа вақт сақланган ва Янги сўйилган ҳайвон гўштидан тайёрланади. Бундай колбасаларга эҳтиёж ҳамма вақт юқори бўлади.

Юқори сифатли колбаса турларини ишлаб чиқишида қуйидаги шарт ва талаблар амалга оширилади:

1. Гүшт, мой, ош тузи ва зираворлар стандарт (ГОСТ) талаб даражасида бўлиши.
2. Колбаса ишлаб чиқарувчи хона ниҳоятда озода, тоза бўлиши.
3. Колбаса ишлаб чиқарувчи ишчи-хизматчиларнинг ишлаб чиқариш гигиенасига ва шахсий гигиенасига риоя қилганлигини текшириш.
4. Хоналар, идиш-товоқлар, маҳсус кийим-кечаклар ва санитария кийимлари тоза бўлиши.
5. Маҳсулотни тоза ерда сақлаш ва санитария талаблари асосида транспортировка қилиш шулар жумласидан.

Колбаса ишлаб чиқаришнинг энг нозик ва маъсулиятли томонларидан бири айрим қўшимча моддалардан фойдаланиш ҳисобланади. Жумладан, колбаса хом ашёсига азот кислотаси тузи (натрий нитрати ёки калий) ни қўшиш ниҳоят маъсулиятлидир. Талаб бўйича 100 кг гўштга 5 мг нитрит қўшишга рухсат берилади. Унинг 0,3-0,5 мг дозаси одамларда кўнгил айнаш, ҳарсиллаш ва бош айланиш хасталигини вужудга келтиради. Агар унинг дозаси 3 гр ва ундан кўпроқ бўлса у инсонни ўлимга олиб келиши мумкин. Шунинг учун нитрит дозировкасига ниҳоятда эҳтиёткорлик ва маъсулият билан қаралиши талаб этилади. Умуман, нитритлар билан ишлаш учун маҳсус курсларни ўқиган, билимдон ва тажрибали кишиларни қўйиш керак. Колбаса ишлаб чиқаришда натрий нитрити қуруқ ҳолда ишлатилмайди, у фактат эритма ҳолида ишлатилиши мумкин.

## **1. ТЕХНОЛОГИК ҚУРИЛМАЛАРИ СТРУКТУРАСИ СИНФЛАНИШИ ВА АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Сут саноати корхоналари қўл механизациялаштириш ва уни бошқаришни автоматлаштиришга хизмат қиласиган ускуналар билан жихозланган. Сут хом ашёсини озиқ – овқат ва техник маҳсулотларга қайта

ишлишдаги операцияларни бажаришга мүлжалланган ишлаб чиқариш ускуналари технологик деб аталади.

Ишлов берилаётган маҳсулот ўз физик – механик ва бошқа хоссаларини сақлаган ҳолда фақат шаклини, ўлчамларини ва шунга ўхшаш жихатларини ўзгартирадиган технологик қурилма машина деб аталади. Машинанинг конструктив жихатдан ажралиб туриши–маҳсулотга механик таъсир кўрсатувчи характеристикадиган ишчи органларининг борлиги.

Ишлов берилаётган маҳсулот ўз физик–механик, биокимёвий хоссаларини ёки агрегат холатини ўзгартиридиган технологик ускуна – аппарат деб аталади. Аппарат конструкциясининг ўзига хослиги – маҳсулот хусусиятларин ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш имконини берадиган реакцион бўшлиқ (хажм) ёки ишчи камеранинг (резервуар) мавжудлиги.

Бундан ташқари аппарат фаолият кўрсатиши учун иссиқлик ва совуқлик ташувчи ҳар хил суюқликлардан (иссиқ сув, совуқ, яхна сув, буғ ва бошқалар) фойдаланилади.

Ишчи суюқлик ва ишлов берилаётган маҳсулот аппарат ичида бир – бири билан бевосита контактда ёки ёки контактсиз ҳолда бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолда, аксарият ўзаро таъсир ажратиб турувчи юза (қисм) орқали (метал девор) амалга оширилади.

### **Ускуналар структураси (таркиби)**

Ҳар бир технологик ускуна бирлиги қўйидаги қисмлардан иборат: станиналар (корпуслар, рамалар ва б.х.к.), маҳсулот соладиган (бўшатиладиган) мослама ёки қисм, химоя (блокировка), узатиш ва иш механизmlар, ишчи бажарувчи орган ва назорат – ўлчов асбоблари. Ускуна техник таснифини белгиловчи асосий қисмлар узатиш қисми, иш механизм ва ишчи органларининг ўзаро (боғлиқлиқдаги) фаолиятидир.

Станина ускунанинг барча қисмларини маҳкамлаш учун, шу жумладан кушимча мосламаларни (транспортировка қилувчи, кўтарувчи ва х.к.) мўлжалланган. Баъзи бир ускуна турларида (сепараторлар ва бошқалар)

станина асосий вазифадан ташқари ишчи механизмни мойлаш учун мўлжалланган мой турадиган мослама (картер) вазифасини ҳам ўтайди.

**Юклаш ва бўшатиш** мосламаси маҳсулотни ускунага даврий ёки узлуксиз равишда солиб туриш, ҳамда технологик жараён талабидан келиб чиқиб уни хажм ёки массасига қараб дозировка қилиш имконини беради.

**Химоя мосламаси** (блокировка) ускунанинг баъзи қисмларини нотўғри ёки бевақт ишга тушиб кетиши олдини олиш ёки уларнинг авария вақтида бузилишидан сақлаб қолиш учун хизмат қилади.

**Узатиш** (привод) харакатни ишчи механизм ёки ишчи органлар орқали узатиш учун керак. Узатувчи сифатида электр, гидравлик ва пневматик механизmlар қўлланилади.

Электр узатмалар энг кенг тарқалган механизmlардир. Унинг асосий қисми электродвигател.

Электр токига қараб электродвигателлар уч гурухга бўлинади:

Ўзгармас ток ўзгармас ёки бошқариладиган, кучланишли. Уларда вал айланиш частотасини кенг миқиёсида силлиқ (плвное) ўзгартириш имкони бор;

Уч фазали ўзгарувчан ток (трёх фазные переменного тока) – нисбатан кам қўлланиладиган синхрон ва кенг қўлланиладиган асинхрон. Синхрон электродвигателлар валнинг доимий частотаси билан (перечулируемой) нагрузкадан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлайди. Асинхронларга қараганда улар анча юқори фойдали иш коэффициентига эга, юқори юкланишларга чидамли. Асинхрон электродвигателлар технологик ускуналарни харакатга келтириш учун фойдаланилади, улар конструктив ва хазмат кўрсатиш бўйича содда, уларни сетга бевосита, (преобразователларсиз) ток ўзгартиргичларсиз улаш мумкин;

Кам қувватли бир фазали асинхрон. Уларни (аксарият) кўпинча, ёрдамчи қурилмаларда қўлланилади.

Уч фазали асинхрон электродвигателлар бир ва кўп тезликка эга бўлиши мумкин (тезлик сони – максимал тўртта). Катта тезликка эга

электродвигателларнинг қулайлиги шундан иборатки, улар ўзгарувчан тезлик (ступенчато) билан ишлаши мумкин.

Уч фазали асинхрон электродвигателлар ёпиқ (суюқлик томчилари ва чангдан) ҳолда ёпиқ ва (шамоллатиш) еллатиладиган (обдувасмом) ҳолда, ёпиқ ва еллатиладиган юқори ишга тушириш моментига эга ҳолда, юқори сирпалишли (скольисением) ёпиқ ва бошқа ҳолда ишлаб чиқарилади.

Таянчга (опора) махкамлаш конструкцияси бўйича электродвигателлар фланецли, чиқиши қисми пастда жойлашган вертикал, силжийдиган (сирпаладиган) плитали ва (встраиваемые) ўрнатиладиганга ажратадилар. Электр харакатга келтирувчи сифатида тизим электродвигателлари (линейные электродвигателлари) ва соленоидлар (электро магниты) ҳам хизмат қилишлари мумкин.

Гидравлик харакатга келтирувчи ишчи суюқликни гидросистемага ва ундаги босим ва сарф меъёрини таъминлаб турувчи насосдан узатувчи (минерал ва кастор ёғи, глицерин, сув ва бошқалар) (харакатни ишчи механизмга узатувчи) гидродвигателдан, насос ва гидродвигателни боғловчи қувурлардан, ишчи суюқликларни сақловчи идишлардан; ишчи суюқликларни тозалаш (фильтр) ва совутиш қурилмаларидан ташкил топган. Ишчи суюқликни узатиш учун (лопастли) шестреряли, поршенли ва бошқа турдаги насослар қўлланилади.

Гидродвигателлар ротацион, буриладиган (поворотные) (сервомоторы) ва поршенли (гидроцилиндрлар) бўладилар. Биринчилари иш механизмини айланма, иккинчилари–бурилиш ва учинчилари–олдига ва орқага (возвратно-поступательное) харакатга келтирадилар.

Пневматик харакатга келтиришда ишчи восита сифатида қисилган ҳаводан фойдаланилади. Узатгич таркибига системага ҳаво пулрайдиган компрессор, ҳаво заҳирасини ҳосил қилиш учун ресивер (герметик идиш); фильтр; қувурлар; пневмодвигателлар; назорат ва автоматика асбоблари киради. Пневмодвигателлар ротацион, поршенли, мембронали ва бошқа турли бўлади. Поршенли кенг тарқалган.

Ишчи(узатиш) механизми. (Исполнительный (передаточный)

Ҳаракатни ҳаракатлантирувчидан технологик ускунанинг ишчи органларига узатиш учун ҳизмат қиласи.

Бу механизм привод билан боғланган етакловчи звенодан ва ишчи органлар билан боғланган эргашувчи звенодан иборат. Ишчи механизм фаолиятини бағолайдиган асосий кўрсаткич – узатиш (сони) нисбати.

У қуйидагилар нисбати билан ифодаланади; тишли узаткичларда етакловчи ва эргашувчи тишилар сонининг етакловчи ва эргашувчи шестернялар диаметрига; тишли ва ременли узаткичларда эргашувчи шестерня(шкив) айланиш частотасининг етакловчи шестерня (шкив) айланиш частотасига.

Узатиш механизми ишчи органлар ишлаш шароити билан баҳоланади.

Қуйидаги узатиш механизмлари мавжуд:

Узлуксиз ишлайдиган – иш органлари ишлов берилаётган маҳсулот билан механизмларнинг бутун цикли даврида доимий контактда бўладилар;

Даврий ишлайдиган – иш органлари ишлов берилаётган маҳсулот билан узатиш механизми ҳаракатининг бир қисми давомида контактда бўладилар, қолган вақтда ишсиз ҳолатда бўладилар.

Узатиш механизмлари қаттиқ ва юмшоқ бўлиши мумкин. Тишли, червякли, ричагли, кривошип-шатунли, шарнирли, крест қўринишли, пружинали, планетар, фракцион ва дифференциал турдагилар қаттиқ узатиш механизмларига киради. Юмшоқ узатиш механизмлари – ременли, занжирли, тасмали ва х.к.лар кичик узатиш нисбатида, ҳамда қаттиқ механизмлар билан бирга ишлатилади.

Ишчи органлар ишлов берилаётган маҳсулотга бевосита энаргетик (механик, иссиқлик) таъсир кўрсатиш ёки ишлов берилаётган маҳсулотнинг ишчи восита ёки энергетик майдон билан ўзаро таъсирда бўладиган шароит яратиш учун ҳизмат қиласи. Бу органларт маҳсулот ҳоссалари, уларга бериладиган ишлов усули, режими ва йўналишидан келиб чиқкан ҳолда ҳархил конструкцияда бўладилар.

Ишчи органлар конструкцияси бўйича шнек ва винтли, барабанли, вальцовье, мембранали ва шлангли, тасмали, тўрли, фракцион, цилиндр поршен жуфтлигига, соплали, форсункали ва дискли бўлиши мумкин.

Кўрсатадиган таъсир бўйича ишчи органларни тозалайдиган, майдалайдиган, аралаштирадиган ва иссиқлик берувчи, узатадиган бўлиши мумкин.

### **Тасниф (классификация)**

Сут саноати корхоналари технологик ускуналари тузилиши, ишлаш принципи, бажарадиган технологик операциялари ва уларни амалга ошириш усулларига қараб ажратилади. Ускуналар ўзларига тегишли бўлган умумий хусусиятларига қараб у ёки бу грухга бирлаштирилиб тавсифланиши мумкин: иш цикли характеристи билан, ишлаб чиқариш тизимида мослиги билан, механизмланиш ва автоматлаштириш даражаси билан, функционал вазифаси билан ва бошқалар.

Иш цикли характеристига қараб ускуналар даврий ва узлуксиз бўлади. Даврий ишлайдиган ускунада маҳсулотга маълум вақт давомида ишлов берилади, сўнг бўшатилади. Узлуксиз ишлайдиган ускунада маҳсулотни юклаш(ортиш), ишлов бериш ва бўшатиш бир вақтда амалга оширилади.

Ускунанинг механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси у бажарадиган асосий ва ёрдамчи операцияларнинг нисбати билан белгиланади. Бу нисбатдан елиб чиқкан ҳолда ускуналар автоматлаштирилмаган, ярим автоматлаштирилган ва автоматлаштирилган турларга бўлинади.

Автоматлаштирилмаган ускуналарда ёрдамчи ва асосий операцияларнинг бир қисми қўл меҳнати ёрдамида бажарилади. Яримавтомат ускуналарда асосий операцияларни ускуна, ёрдамчиларни эса одамлар бажаради. томатларда ҳамма операциялар ускунада бажарилади.

Технологик ускунанинг ишлаб чиқариш тизимидағи тутган ўрнига қараб алоҳида бирликлари (битта операцияни бажаради), агрегатлар (кетма-кет ғар-хил операцияни бажаради), ускуналар комбинацияси (яқунланган

операциялар циклини бажаради) ва потокли технологик линиялар (ҳамма операциялар узлуксиз потокда бажарилади)

Сут хом ашёсига ишлов бериш усули ва таъсир кўрсатиш принципларига қараб ускуналар функцияси белгиланади. Функционал белгисига қараб ускуналар қўйидаги умумий гурухларга бўлинади: сутни қабул қилиш, транспортировка қилиш ва сақлаш учун; сутга механик ишлов бериш учун; сутга иссиғлик ишловини бериш учун; куюлтириш ва қуритиш учун; сут ва сут маҳсулотларини қўйиш, қадоқлаш ва упаковка қилиш учун. Функционал алломатларига қараб таснифлаш ускуна иш принципини механика, гидромеханика, иссиқлик физикаси, физкимё, биокимё ва микробиология қонунлари билан маҳкамроқ боғлаш имконини беради.

Бундан ташқари сут маҳсулотларининг конкрет турларини ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган ускуналардан (сариёғ тайёрловчи, сариёғ ҳосил қилувчи, фризерлар, сыр учун пресслар) ҳам фойдаланилади)

### **Ускуналарнинг асосий кўрсаткичлари**

Технологик ускуналарнинг иши техник характеристикасини ташкил қилувчи технологик ва техник кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Уларга одатда қўйидагилар киради:

- Қуввати, яъни қайта ишланадиган хом ашё ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг вақт бирлигидаги миқдори;
- сарфланадиган энергетик қувват, вақт бирлигидаги иссиқлик ёки совуқлик миқдори, электр энергияси билан ифодаланади;
- электр энергияси кўрсаткичлари (кучланиш, частота, фазалар сони) иссиқлик ташувчи кўрсаткичлари (ҳарорати, босими). Совуқлик ташувчи кўрсаткичлари( тури, ҳарорати);
- хом-ашё ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот кўрсаткичлари;
- ускуна ва унинг айрим элементлари ва қисмлари ишлаш режими кўрсаткичлари – босим, ҳарорат, айланиш частотаси ва бошқалар;
- ускуна габарит ўлчамлари ва массаси;

- эксплуатация шароитлари (ишлаб чиқариш биноси характеристикаси, ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлиги)

Ускуна техник характеристикаси унинг конкрет маҳсулот турини ишлаб чиқарадиган технологик операцияни бажара олишга яроқли эканлигини аниқлаб беради.

## **2. УСКУНАГА ҚҮЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

Сут саноати корхоналари технологик ускуналарига, ҳамма турдаги озиқ-овқат ускуналарига тегишли умумий талаблар билан бирга маҳсус, яъни қайта ишланадиган хом ашёнинг ҳусусиятларига қараб ҳамда ҳавфсизликни таъминловчи талаблар қўйилади.

Сут корхоналари технологик ускуналарига қўйиладиган умумий талабларга, керак даражадаги қуввати, материал ва энергиянинг минимал сарфланиши, меҳнат ҳажми ва фойдаланиш ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати, ремонт қилиш имкони, ишончлилиги, узок муддатлилиги, экологик ҳавфсизлиги киради.

Сут хом-ашёсини қайта ишловчи технологик ускуналарнинг ўзига хослиги—бу унинг конструкциясига қўйиладиган юқори даражадаги санитария талаблари. Технологик ускуналарнинг иш органлари конструкцияси шундай бажарилган бўлиши керакки, эксплуатация шароити бузилган ноқулай шароитда ҳам мойловчи ёғлар, занг ёки металл чанглари ва бошқа ёт материаллар ва предметлар иш зonasига тушиб қолиш эҳтимоли бўймасин.

Технологик ускуналар конструкцион материаллари озиқ-овқат маҳсулотлари билан контактда бўлганда, маҳсулотни ифлослантирумайдиган ва сифатини туширмайдиган бўлиши лозим. Иш зонасида қўрғошиндан, цинкдан, мисдан, уларнинг қотишмаларидан ясалган деталлардан фойдаланиш ҳамда кадмий, никель, хром, эмал, пенопластлар, формальдегид асосида тайёрланган пластмассалар, такибида ойна толаси (стекловолокно)

бўлган материаллар, асбест керамикадан, шишадан ясалган қисмлар қопланишлар ёрдамида қўлланилиши ман этилади.

Фойдаланиладиган материаллар ускуналарни сурункали ювиш, тозалаш ва дезинфекциялар жараёнларидағи кимёвий, иссиқлик ва механик таъсирларга бардош бера оладиган бўлиши лозим. Конструкцион материалларнинг иш зонасидаги ранги озиқ–овқат маҳсулоти сифатини аниқлашга ва тозалигини назорат қилиб туришга ҳалал бермаслиги керак.

Металлоконструкциялар (рамалар, станица, боғловчи ва бошқалар) ясаш учун қирқим бўйича ёпиқ шаклдаги профиллардан фойдаланиш лозим.

Ускуналар конструкцияси маҳсулотни ташки мухитдан ифлосланишдан ҳимоя қила олиши керак, маҳсулотни ёки ёрдамчи материалларни атрофга сочилиш эҳтимолини олдини олиш, ускунанинг тўла бўшатилиши ва сифатли тозаланиши, маҳсулот қолдиқлари қолиб чириши жараёнини олдини олиш имконларини бериши керак. Ҳамма ёғи санитар ишлови бериш ва уни назорат қилиш учун қулай бўлиши шарт.

Маҳсулотга ишлов бериш зonasи конструкциясида, агар технологик талабларга асосан кўзда тутилмаган бўлса, ювилмайдиган жойлар, тор чўнтаксимон чуқурлар, ёриқлар, тўсиқлар, зиначалар (ступенка), кескин торайган кесимли жойлар бўлмаслиги керак. Жумладан ванналар, металл идишлар ва қисмлар осон ювиб тозаланадиган силлиқ, тозалашни қийинлаштирадиган, ҳалакит берадиган дўнглик, тор оралиқлар, деталларсиз юзага эга бўлишлари лозим.

Ёпиқ тизимда санитар ишлови(безразборная мойка) беришга мўлжалланган маҳсулот зonasи конструкцияси, вақти – вақтида ечилиб қўл билан ювиб тозалаш ва назорат қилиш имконини бера оладиган бўлиши керак. Ечиладиган ва йигиладиган қисмлар ва деталлар осон бўлинадиган бириктирувчилар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ускунанинг маҳсулот зonasида заклепка, болтлар, нуктали пайвандлаш, бир-бирига кийдирилиб маҳкамланган боғланишлар қўлланилиши ман этилади. Юзалар уланган жойи ва бурчак қирралари 6 мм дан кўпроқ

радиус бўйича, механик ювиш қўлланилганда 50 мм дан кам бўлмаган радиусда бажарилган бўлиши лозим. Ускунадан чиқсан оқава сувлар тўкиладиган қувурлар канализация тизимига сифонлар ёрдамида ёпиқ ҳолда уланган бўлиши керак. Валларнинг зичлаб маҳкамланган мосламалари хомашё, ювиш воситаларининг узатиш механизмларига, мойловчи материалларнинг эса, маҳсулот зонасига тушиши холлари олдини олиш шарт. Ускунанинг жойлашиши, унинг қувурлар билан уланиши, канализацияга боғланиши санитар ишлов бериш ва назорат қилишга тўсқинлик бермаслиги лозим. Арматуралар жойлашуви ва қувурлар уланган ерлари маҳсулотга бошқа нарсалар (гидравлик ёғ, совутиш суюқликлари ва х.к) оқиб тушиб ифлослантириши ва ускунага санитар ишлов беришга халақит қилиши ҳолларига йўл қўймаслик керак.

Ускуна ташқариси изоляцияси атроф муҳитни ва маҳсулотни ифлослантирмайдиган, ҳароратни ўтказмайдиган материаллардан бажарилган бўлиши керак. Жумладан, ҳар қандай юзани стекловолокно ёки шлаковата таркибли материаллар қўллаб изоляция қилиш мумкин эмас.

ГОСТ 12.2.003 “Ишлаб чиқариш ускуналари. Ҳавфсизлик умумий талаблари” ишлаб чиқариш ускуналарига ҳавфсизлик талабарини белгилайди, жумладан конструкцияларга, уларни бошқарув органларига, ҳимоя воситаларига, ҳамда монтаж ва таъмирлаш ишлари, ишлаб чиқариш ускуналарини транспортировка қилиш ва сақлаш ҳусусиятлари билан белгиланадиган ҳавфсизлик талабарини. Ускуналар монтаж, эксплуатация, таъмирлаш, транспортировка ва сақлашда ҳавфсиз бўлишлари, ташки муҳитни ўрнатилган меъёрдан ортиқ заҳарли моддалар чиқариб ифлослантирмаслиги керак. Ускуналар ҳавфсизлиги фаолият принципини, конструктив схемаларни, ҳавфсиз конструкцион элементларни танлаш ва х.к., механизациялар, автоматлаштириш, дистанцион бошқариш ва ҳимоя воситаларини қўллаш ёрдамида; эргономика талабарини бажариш билан; техник хужжатлар таркибига монтаж, эксплуатация, таъмирлаш, транспортировка қилиш ва сақлаш жараёнларидаги ҳавфсизлик талабарини

киритиши билан таъминланади. Ускуналар ёнгин ва портлашдан ҳавфсиз, юқори намлиқка, ҳарорат ва босим ҳзгаришига, агрессив моддалар таъсирига, шамол кучига, музлашга чидамли бўлиши керак.

Ускунанинг харакатланувчи қисмлари – сидирувчи, валларнинг учлари ва уларнинг элементлари (винтлар, шпонкалар), валиклар, роликлар, очик узаткичлар, конвейер тасмаси қайрилган еридаги барабан ёнлари, пайвандланган жойлар, маҳсулот солиш бункерлари(воронка) – тўсиқлар ёрдамида ўралган бўлиши лозим. Тишли узатмаларнинг бутунлай маҳкамлаб ташланмаган тўсиқлари (болтлар, винтлар ва х.к.) машина тўла тўхтагандан сўнг очиш имконини берадиган ёки тўла ёпилганда машина ишга туша оладиган мослама билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ишчи хизматчилар иш зонаси механизмлар, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар характеристланиш зонасидан ташқарида бўлиши керак.

Ускуналар конструкциясида конвекцион ва нурли иссиқлик (лучостого тепла) ажралиб чиқишини чегаралаш чораларини кўриш имконини бериши лозим (теплоизоляция). Белгиланган жойни совутадиган машиналарда, совутиш агенти (хладоноситель) йўқ бўлганда машинани ишга тушишини блокировковчи мослама ўрнатилган бўлиши лозим.

Намлик, газлар чанг ва ёт хидларни ажратиб чиқарувчи ускуналар максимал равища герметик ёпилган бўлиши керак.

Герметик етарлича бўлмаса, вентиляцион тизим ёрдамида ҳавони хайдашни таъминлаш лозим.

Ускуна ташқи қисмидаги бўртиқ қисмлари 5 мм дан катта радиусда юмалоқланган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш ускунасини ишга тушириш кнопкаси коробка корпусидан 3 – 5 мм чукурликда ўрнатилган бўлиши керак.

Доимий иш жойидаги бошқарув органлари (кнопкалар, қўлушлагичлар, маҳовиклар ва х.к.) қўйидагича чегараланган иш зонасида жойлашган бўлиши керак: узунасига 0,7 м гача, 0,4 м гача чукурликда, 0,6 м гача баландликда. Кўрсатилган бошқариш органлари пол юзасидан (площадкадан) 0,9–1,5 м тик туриб бошқарилганда ва 06–1,2 ўтириб бошқарилганда

баландликда бўлиши керак. Барча қўлушлагичлар, кноккалар, маховиклар ва бошқа бошқариш органлари уларнинг функционал вазифаларини билдирадиган белгилар ёки ёзувларга эга бўлишлари ҳамда мос рангларга бўялган бўлишлари лозим:

Қизил – тўхташ;

Ахроматик (қора, кулранг ёки оқ), баъзида яшил – ишга тушириш;

Сарик – аврория холатида ишга тушириш;

Ахроматик ёки кўк – маҳсус уланиш.

Юқорида жойлашган машина ва ускуналарга хизмат кўрсатиш майдонлари тўсиқлар ва зиналар (қўлушлагичлари билан) билан жихозланган бўлиши керак, ҳамда 0,7 м дан кам бўлмаган ўтиш йўлкачаларига эга бўлиши лозим.

Майдончалар юзаси сирпанчиқ бўлмаслиги ва чекка қисмлари 0,15 м баландликда бўлиши керак. Тўсиқлар ва перилалар баландлиги 1 м дан кам бўлмаслиги, майдончаси (зина) юзасидан 0,5–0,6 м баландликда эса узунастга қўшимча тўсиқ ва ҳар 1,2 м дан узоқ бўлмаган оралиқда вертикал устунлар ўрнатилмоғи лозим. Зиналар 3–5 м баландликда ўтиш майдончалари билан жихозланган бўлиши керак; зина кенглиги – 0,6 м дан кам бўлмаслиги; босқичлар оралиғи – 0,2 м, босқич кенглиги – 0,12 м дан кам бўлмаслиги керак. 1,5 м дан баланд зиналар  $45^0$  дан кам бўлмаган қияликка, кам баландликдагилар–горизонтга нисбатан  $60^0$  гача қияликка эга бўлиши керак.

Ускуналарнинг оёқ ёрдамида бошқариш (педиллари) мосламалари тўсиқлар билан жихозланган ёки ускунанинг бехосдан тўхтаб қолиши олдини оладиган (бехос педал босилиши, бирор нарса тушиб кетиши), сақлагичлар (предохранитель) билан жихозланган бўлиши керак.

Педал тўсиғи мустахкам бўлиши, қирралари текисланган ва оёқ харакатига халил қилмайдиган бўлиши лозим. Педал юзаси тўғри ғадур–будур юзали ва боши юмалоқланган ва оёқни тираш учун тўсиқли бўлиши

керак. Педал кенглиги 80 мм дан кам бўлмаслиги тирав тўсигигача узунлик эса – 110 – 130 мм керак.

Педал майдон (пол) юзасидан 120 мм гача баландликда (ишга тушмасдан), босилиши 60 мм (ишга тушгач) ни ташкил қилиши; ўтириб бошқарганда педалга тушган кучланиш – 24,5 Н, тик турганда – 34,5 Н ни ташкил қилиши лозим.

Полдан 2 м баландликда ёки чуқурлиқда жойлашган задвижкалар, вентиллар ва кранлар иш жойидан туриб очиш ва ёпиш имконини берадиган мосламаларга эга бўлиши керак.

Иш жойларига ўрнатилган стационар назорат ўлчаш аппаратуралари полдан 2 м гача баландликда бўлиши керак.

Ускуналарининг ток ўтказувчи қисмлари ишончли қилиб электроизоляцияланган, тўсилган ёки одамлар тега олмайдиган жойларга бўлиши керак.

Технологик ускуналарга ўрнатилган электр аппаратлари, ҳада уларнинг ерга уланган симлари электрускуналари қурилмалари қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.

Ускуналар юзасининг иш жойларидағи тўсиқ ва қувурларнинг қизиш даражаси  $45^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги лозим. Ванна, баклар ва бошқа ишчи идишлар канализация тизими билан ёпиқ усулда боғланган тўкиш, тошиб қуилиш мосламалари ва ёпиб қўйиш мосламалари билан жихозланган бўлиши керак.

Босим остида ишлайдиган ускуналар (автоклавлар, стерилизаторлар ва б.) босим остида ишлайдиган идишларни эксплуатация қилиш хавфсизлиги ва тузилиш қонунларига асосан лойихаланади ва эксплуатация қилинади.

Бу қоидалар 0,07 Мпа дан ортиқ босимда ишлайдиган металл идишларга тегишли.

Идишлар конструкцияси ишончли, эксплуатация қилишда хавфсиз, кўздан кечириш, санитар ишловчи ва таъмирлаш имконини берадиган бўлиши лозим. Ич қисмини кўздан кечиришга халақит қиласиган ҳамма нарса олинадиган бўлиши керак. Ички диаметри 800 мм катта бўлган

идишлар сони етарлича бўлган таъмирлаш ва кўздан кечириш тешикларига (туйнук) эга бўлишлари керакки, улар хизмат кўрсатиш учун қулай ерларда жойлашган бўлсин. Туйнуйнуклар юмалоқ ва овал шаклда бўлади. айлана шаклдаги туйнуклар диаметри 400 мм дан кам бўлмаслиги, овал шаклдагилар кичик ўқи камида 325 мм, каттаси – 400 мм бўлиши керак. Қувурсимон иссиқлик алмаштиргичлар кўринишидаги идишлар люк ва туйнукларсиз ясалган бўлиши мумкин. Тўнтариладиган идишлар ўз–ўзидан тўнтарилиб кетиш олдини оладиган мосламаларга эга бўлиши керак. Идишлар таги одатда элиптик шаклда бўлади, лекин шар ёки шар сегменти кўринишида ҳам ясалган бўлиши мумкин. Идишларнинг пайвандланган ерлари фақат бир – бирига нисбатан бир текисликда бажарилган бўлиши керак. Ҳар хил қалинликдаги элементлар пайвандланганда бир элементдан иккинчи элементга қирраларсиз, бир маромда ўтиши керак. Ўтиш юзаси қиялиги  $15^0$  ошмаслиги лозим.

Пайвандланадиган элементлар қалинлиги нисбати 30% дан кўп бўлмаса ва юпқа элемент қалинлиги 5 мм дан ортиқ бўлмаса, қалин элементларни юпқаламасдан пайвандлашга рухсат этилади.

Пастки қисми кўздан кечириш учун ноқулай бўлган горизонтал идишларда бўйича пайвандланган йўл  $140^0$  га тенг пастки қисмидаги марказий бурчакка тўғри келмаслиги лозим.

Туйнук ва люклар тешиклари пайвандлаш чокларига тўғри келмайдиган (жойларда) ерларда қурилиши жойлашган бўлиши керак.

Идишларни (сосудларни) тайёрлаш ва таъмирлаш учун босим остида ишлайдиган сосудлар таркиби ва хавфсизлик қонун ва қоидаларида келтирилган материаллардан фойдаланиш лозим.

### **3. КИЧИК КОРХОНАЛАР УСКУНАЛАРИГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Кичик қувватли корхоналарда катта қувватга эга технологик ускуналардан фойдаланиш, максадга мувофик эмас, чунки улар қиммат нархга эга, уларни тұла қувватда эксплуатация қилишга хом ашё етишмайды.

Хар томонлама универсал (бажаридиган иши бүйича) ва күпоперациялы ускуна құллаш иқтисодий қулайдир. У осон ва тез ўзгартыриладиган, арzon, ишончли ва күп муддатли бўлиши лозим. Бундай ускунани агрегатлаш принципиға асосан, умумий узатгичдан фойдаланиб, ҳар хил операцияларни бажарадиган ўзлаштириладиган ишчи органларига эга қилиб яратиш мумкин. Деталларни ва қисмлари (унифицированные) алмаштириладиган ва минимал ўлчамда бўлиши мумкин.

Ускуналарнинг кичик корхоналарда ишлаши учун, одатда, буғ, сиқилган ҳаво ва газ қўлланилмайди. Ускуналар ва кичик корхона фаолиятининг юқори самарадорлиги маҳаллий иссиқлик, сув, совуқлик билан таъминловчи манбаларга боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарини лойихалашда маҳсулотларни ва хом ашёни сақлаш учун табиий манбалардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш керак. Кичик корхоналардаги ускуналарни эксплуатация қилиш учун маҳсус тайёрланган матахассислар – технологлар, механиклар, лаборантлар ва ишчилар талаб қилинади.

### **4. ИЧАКЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ЖИҲОЗЛАРИ**

Ичаклар қайта ишлашга йўғон ва ингичка ичак, қизил ўнгач, сийдик пуфаги, чўчқада эса ошқозондан ташкил топган комплектда келади. Ичак комплектлари стол устида қўлда қисмларга ажратилади.

Ичакларга кейинги босқичда механик ишлов бериш операцияси уларни ичидаги озуқа қолдиқларидан бўшатиш, ташқи қисмини ёғсизлантириш

(пензеловкалаш) ва ички шилимшиқ моддани йўқотишдан (шлямовка) иборат. Оралиқдаги ёрдамчи операциялар (ивитиш, сув ёрдамида ичакни ағдариш, совутиш, навлаш, тўқишиш ва боғлаш) қўлда амалга оширилади.

Ичакка ишлов бериш машиналари, операциялар бўйича технологик кетма-кетликка риоя қилган ҳолда ўрнатилади. Технологик кетма-кетлик ишлов берилаётган ичак турига боғлиқ. Шохли йирик мол ичакларининг ичидағилари бўшатилгач, аввал ташки юзасига ишлов берилади, сўнгра эса ағдарилади. Чўчқа ва шохли кичик мол ичаклари ағдарилмайди, ҳар иккала томонига бирданига ишлов берилади.


Бунинг учун турли конструкцияли машиналар ишлатилади. Улар ўзаро транспорт қурилмалари, сифимлар ва столлар иштирокида бирлаштирилади. Натижада ҳозирги вақтда кенг тарқалган механизациялашган оқим линиялари ҳосил қилинади.

Кичик ва ўрта гўшт комбинатларида ичакка ишлов бериш учун алоҳида машиналар ёки машиналар групҳи ўрнатилади.

Барча турдаги ҳайвонларни ичак комплектини қисмларга бўлгач биринчи операция - улар ичидағисини бўшатиш ва сиқишиш – сиқишиш вальцларида амалга оширилади.

### **ВО-150 типдаги сиқишиш валецлари**

Валецлар (1-расм) ичак ичидағиларни ва шилимшиқ қаватини ичак қобигидан валецлар жуфтлиги ёрдамида сиқишиш йўли билан чиқариш учун хизмат қиласди.



### **1-расм. ВО-150 типдаги сиқишиш валецлари:**

1-станина устунлари; 2-иичи валлар; 3-ҳаракатланувчи подшипниклар;  
4-ўзгартириши винтлари; 5-электродвигатель; 6-редуктор; 7-занжирли узатгич;  
8 - қобиқ-тўсиқ; 9- сув бериши қувури.

Сиқишиш валецлари икки устунли чўян станинадан 1 иборат бўлиб, унга икки горизонтал қувурсимон резина билан қопланган вал 2 ўрнатилган. Юқоридаги вал резина ва бельтинг қатлами билан қопланган, остидаги эса ичакни яхши тутиш ва ичидағини сиқиши учун чизиқларга (кирраларга) эга.

Пастки вал турғун подшипникларда ўрнатилган, юқоридаги эса вертикал бўйича ўзгартириш винтлари 4 ёрдамида ҳаракатланувчи подшипникларда 3 сиқувчи пружина ўрнатилган. Ушбу конструкция валецлар оралигининг керакли оралиғи таъминланади. Валецлар қуввати 0,8 кВт –ли электродвигателдан 5 редуктор 6 ва қобик 8 билан беркитилган занжирли узатма 7 орқали ҳаракатга келтирилади.

Валецлар оралиғи масофасини мослаш ва етакчи юлдузчалар оралиғи масофасини ўзгариши занжирнинг роликли таранглаш қурилмаси ёрдамида бажарилади. Ичакларни яхши юмшатиш учун қувур 9 орқали узлуксиз 35-40°C хароратда сув бериб турилади. Сув сарфи 200 л/с-ни ташкил қиласди. Валецлар диаметри 150 мм, узунлиги 750 мм. Станинанинг ўнг устунида

(юритма ўрнатилган томоннинг қарама-қаршисида) ишлов берилиши керак бўлган ичакни валецлар оралиғига киргизиш учун кесма йўл мавжуд. Машина олди ва орқасида ишлов берилиши керак бўлган ичакни жойлаш учун иссиқ сув солинган металл ёки темир-бетон чанлар ўрнатилади.

Ҳозирги вақтда ичак, сиқиш валецларига лентали транспортёр ёрдамида берилади. Валецдан чиққани эса маҳсус шнекли транспортёр ёрдамида қабул қилинади. Сиқиш валецларининг айланиш тезлигини бошқариш учун тезлик вариатори ўрнатилади.

Сиқиш валларидан ичакларни ўтказиш тезлиги 0,3-0,4 м/сек - дан ошмаслиги керак. Ушбу тезликдан ошган ҳолда ичак қобиғининг деворлари ёрилиши мумкин. Машинага бир вақтда тўрт-беш қатор ичак солиниши мумкин.

Ичакка кейинги ишловлар, бериладиган машиналарнинг ишчи органи: силлиқ, тирнокли (рифлли), пластинали, ёки чўткали валецлар жуфтлиги бўлиши мумкин.

### **Ичакка ишлов бериш машиналарида ишлашдаги техника хавфсизлиги**

Ичакка ишлов бериш вақтида носоз машинада ишлаш маън этилади, ҳаракатланувчи ва айланувчи қисмида ҳимоя қобиғи бўлиши керак, машина қисмлари корпуси ер билан уланган бўлиши керак.

Машина ва унинг олдидаги ишчи жойлар тоза тутилиши ва сменада камида бир марта ювилиши керак. Машинанинг ичак билан бевосита тегиб турувчи (контактловчи) қисмлари коррозияга учрамайдиган материалдан тайёрланиши керак, маҳсулотни бузиб қўймаслик учун ўткир бурчак ва чет қирралари бўлмаслиги керак.

Электродвигатель ва унинг улаш симлари намлиқдан ҳимояланган бўлиши керак, ёкиш ва ўчириш мосламалари қулай жойларда ўрнатилган бўлиши керак. Ишчи жойлар яхши ёритилган бўлиши керак.

## **Ичакка ишлов бериш машинасининг ҳисоби**

Узлуксиз ишловчи ичакка ишлов бериш машиналари унумдорлиги қуидаги ифода ёрдамида ҳисобланади

$$Q = \alpha \frac{3600\pi \cdot D \cdot n \cdot b}{60 \cdot l} = 188\alpha Dn \frac{b}{l} \text{ комплект/соат} \quad (1)$$

бунда  $\alpha$  – машинага ичак бериш коэффициенти. Бу транспорт машиналари ишини, ичак машинадан сирпаниб чиқиши, ва ҳ.к.-ни ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, амалда  $\alpha = 0,4-0,6$  қабул қилинади;  $D$ - ичакка ишлов берувчи ишчи валиклар диаметри,  $m$ ;  $n$  – валикларнинг айланиш частотаси,  $айл/мин$ ;  $b$  – машинада бир вақтда ишлов берилаётган ичак қатори сони;  $l$  - ичак комплектининг узунлиги,  $m$ .

Агар ичак машина орқали 2 ёки 3 маротаба ўтқазилса, у ҳолда унинг унумдорлиги мувоғиқ камаяди.

Сиқиш валецлари электродвигатели қувватини қуидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш мумкин

$$N = \frac{M_{бyp} \omega \cdot \eta_a}{1000 \eta_{ym}} \text{ кВт}, \quad (2)$$

бунда  $M_{бyp}$ - валецларни ҳаракатга келтириш учун керакли буровчи момент,  $H \cdot m$ ;  $\omega$ - валецларнинг бурчак тезлиги,  $сек^{-1}$ ;  $\eta_a$  – қувватнинг заҳира коэффициенти,  $\eta_a = 1,2-1,3$ ;  $\eta_{ym}$  - машинанинг барча узаткичларда қувватни йўқотишини ҳисобга олиш коэффициенти, яъни узаткичлар ФИК-и,  $\eta_{ym}=0,6-0,75$ .

Ишчи валикларни ҳаракатга келтириш учун керакли буровчи момент  $M_{бyp}$  қуидаги tenglama ёрдамида ҳисобланади

$$M_{kp} = PD/2 + P_0 l \text{ н м}, \quad (3)$$

бунда  $P$  – қобиқни сиқишига ва валецлардан чиқиб кетиши кучи йиғиндисига тенг куч

$$P = P_1 + P_2$$

бунда  $P_1$  – қобиқ ўқи йўналишида унинг ичидагиларни сиқиб чиқариш учун таъсир этувчи куч:

$$P_1 = \frac{\pi \cdot D^2}{4} \sigma \quad (4)$$

бунда  $D$  – қобиқ диаметри, м;  $\omega$  – қобиқ ичидағиларни сиқиб чиқариш учун керакли бўлган куч,  $H/m^2$ . Амалда қабул қилиш мумкин:  $a = 40000-100000 H/m^2$ ;  $P_2$ - қобиқни валецдан итарувчи куч,  $H$ ;

$$P_2 = 2 f \sigma \sin a, H \quad (5)$$

бунда  $f$  – валецлар ўзаро тегиш майдони,  $m^2$ ;  $\sigma$  - қобиқ ичидағиларни сиқиб чиқариш бирлик босими,  $H/m^2$ ;  $a$  – ичакни валецлар орасидан сиқиб чиқариш кучининг валецлар ўқи чизигига нисбатан таъсир этиш бурчаги. Амалда  $15-25^\circ$  оралиғида ўзгаради;  $P_o$ - валецларни бир-бирига сиқувчи куч,  $H$ ;  $D$ -валецлар диаметри, м;  $l$ -валецлар узунлиги, м.

## **АТРОФ - МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ**

Инсон хаёти ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқ. У ташқи муҳитнинг барча омиллари, табиат ва жамиятнинг хар томонлама ўзаро комплекс таъсири остида яшайди.

Инсон дунёга келибдики, кўз очиб табиатни кўради, унинг сўлим бағрида хаёт кечиради. Шунинг учун хам табиат инсоннинг онасидир, деймиз. Бироқ бугунги кунларга олиб келмоқда. Шу туфайли хам экологик хавф ядро қуроли хавфи билан tengлашиб қолди.

Алоҳида қайд қилиш лозимки, бизнинг жумхуриятимизда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш соҳасида, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Мисол учун, Орол денгизини олайлик, бу катта муаммо хозир давлат аҳамиятига молик масала бўлиб турибди.

Шуни таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда кўплаб совхозлар, корхона, муассаса хамда ташкилотлар узларига биркитилган ерлардан

оқилона фойдаланмай, минглаб гектар ернинг шўрланишига ва унинг эрозияга учрашига сабабчи бўлдилар. Хозир хам кўпгина хўжаликларда агротехника қоидаларига етарли риоя қилинмаслиги, ердан тор хўжалик манфаатидангина келиб чиқиб фойдаланиш оқибатида оғир экологик холатлар рўй бермокда. Хозирги даврда экологик масалаларни хуқуқий қилиш, ер ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланиш уларни хуқуқий муҳофаза қилиш масалалари, Республиканинг мулкчилик тўғрисида, ижара тўғрисида ва ер тўғрисидаги қонунларида ўз аксини топди. Комил ишонч билан таъкидлаш мумкинки, табиат-биосферани сақлаб қолиш ва уни ўзгартириш кўп жихатдан инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Жумхуриятимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш энг муҳим ижтимоий- иқтисодий муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу соҳадаги ахвол жуда ташвишли. Ўзбекистоннинг асосий сув манбалари, кўпгина шахарларининг хавоси заҳарли химикатлар, ишлаб чиқариш чиқитлари билан йўл қўйиб бўлмайдиган даражада булғатилган. Катта майдонлар пестициidlар билан захарланган ёки шўрланган. Қайта қуриш бизга кенг имкониятлар яратиб бермокда. Айникса, табиатни комплекс муҳофаза қилиш борасида жиддий ишлар олиб бориш талаб этилади.

Аниқ маълумотларга қараганда, хозир хар бир киши узининг хаёт фаолияти бир йил мобайнида  $1\text{m}^3$  ахлат қолдиради. Шунча миқдордаги чиқинди шахар, республика ёки хамдустлик давлатлари миқёсида кўриладиган бўлса, унда атроф-мухитимиз қанчалик ифлосланиб кетишини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Масалан, биргина Фарғона шахрида 150 минг тонна ахлат чиқариб ташланади. Чунончи, хар бир тонна хўжалик чиқиндиларидан ўртacha 250 кг макулатура, 30 кг қора металл, 3,5 кг рангли металл ажратиб олиш мумкин. Вахоланки, бундай тадбиркорликка бизда етарлича эътибор берилмайди. Чиқинди моддалар маълум харажатлар эвазига чиқариб ташланади ёки йўқотиб юборилади.

Манбаларда қайд этилишича, хўжалик ахлатлари тадбиркорлик билан маҳсус усуlda ёқиладиган бўлса, улардан маълум даражада фойда кўриш

мумкин. Биргина Масков ахлат ёкиш заводи йилига 100 тонна қайноқ буғ хосил қилиб, у уй-жой ва хужаликларни харорат билан таъминлаш тизимиға сарфланади. Инсониятга, колаверса барча жониворларга хаёт бахш этадиган атмосфера хавосини хозир асосан икки манба: табиий омиллар ва нисон фаолиятининг маҳсул - антропоген манбалар ифлослантиради. Антропоген ифлосланишлар асосан саноат корхоналари автомобиль, хаво, темир йул, сув транспортлари чиқинди ва ажратмалари, шунингдек турли хил ёқилғилар ишлатилиши натижасида пайдо буладиган заарли моддаларнинг хаво хавзасига тушиши окибатида содир бўлади.

Хозир фан-техника ривожланган бир даврда атмосфера хавосининг ифлосланиши тобора кучайиб бормокда. Атмосфера хавосининг доимий (стационар) равишда ифлослантирувчиларга саноат корхоналари, коммунал ва қувват ишлаб чиқарувчи объектлар кирса, харакатдаги ифлослантирувчиларга автомобиль, темир йул ва хаво транспорт воситалари киради. Маъданларни майдалаш, саралаш, қуидириш ва бошқа тур ишлов беришларда  $1\text{ m}^3$  хавога 500— мг атрофида чанг чикади. Кимё саноати ранг-баранг кимёвий моддаларни- кислоталар, ишкорлар, тузлар ва бошка анерганик моддаларни, минерал ўғитлар, захарли химикатлар, полимерлар, синтетик толалар, эритувчилар, смолалар, буёклар, локлар, жихозлар, асбобускуналар хужалик буюмлари, шунингдек саноатимиз учун аскотадиган кўпдан-кўп воситаларни ишлаб чиқаради. Кимё саноатининг энг йирик тармокларидан бири азотли минерал угитлар ишлаб чиқарувчи корхоналардир. Бу корхоналар аммиак, зот кислотаси, азотли минерал угитлар, фосфорли угитлар, фосфорли тузлар, сульфаткислотаси ишлаб чиқаради. Бу тармок корхоналарида фойдаланиладиган хом ашёлардан калийли угитлар, охак, фосфоридлар олинади. Кимё саноати тармокларига кирадиган корхоналардан синтетик каучук, хлор, хлорли охак тошлар, кислоталар, хлорли бирикмалар, пластмассава сунъий смолалар, лок буёклар, захарли кимёвий моддалар, нефть кимёси маҳсулотлари ва яна бошка кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни курсатиш мумкин.

Аммиак ишлаб чикариш жараёни асосини водород ва азотни синтез килиш реакцияси ташкил этади. Мазкур реакция юкори босимда хамда юкори даражали хароратда кечади. Бунда хом ашё сифатида табий кокс газидан фойдаланилади. Саноат микёсида аммиак олиш жараёнида атмосфера хавоси корхоналардан чикадиган ис гази, аммиак ва метан каби тажовузкор омиллар билан ифлосланади. 1 тонна аммиак ишлаб чикаришда хосил буладиган чикиндилар аммиак-100 кг, метан-45 кг, ис гази-100 кг, булиши кайд килинган. Шунингдек, бошка регенерация цехларида аммиак-105 кг, метан-45 кг микдорида ажралиб чикиш, атмосфера хавосини булгайди. 50—% ли азот кислотаси ишлаб чикаришда аммиак катализаторлар воситасида азот оксидига айлантирилади ва сув билан абсорбция килинади. Мазкур жараён 3.7, 7.3 ва 9 атмосфера босимида кечади. Азот кислотаси ишлаб чикаришда хавога азот кислотасининг буги учеб чикади. Хисобларга караганда, ишлаб чикарилган 1 тонна махсулотга 25—,5 кг чикинди тугри келади. Фосфорли (суперфосфат, фосфат аммоний) ва мураккаб угитларни(аммофоска, нитрофоска) ишлаб чикариш жараёнида суперфосфат, фторли бирикмалар чанги пайдо булади, шунингдек аммиак, олтингугурт, азот оксиidi, ис гази ва фосфорли бирикмаларнинг чанги атмосфера хавосига ажралиб чикади, улар купинча рухсат этиладиган микдордан куп булади. Чикиндиларнинг хавога таркалиш радиуси 5 км ва ундан хам зиёд булиши мумкин. Одатда чикинди, тажовузкор омиллар билан ифлосланишнинг энг кўпи 2 км ли масофа атрофида бўлади.

## **МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ**

*Мехнат мухофазаси* – иш жараёнида инсоннинг мехнат кобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашга йуналтирилган конунлар мажмуаси, ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техник, гигиеник ва профилактика тадбирлари ва воситаларидир. Мехнат мухофазасининг вазифаси заарли ва хавфли ишлаб чикириш омилларининг ишловчиларга таъсирини энг кам даражага келтиришга имкон берадиган чора-тадбирларни куришдан, ишчининг шикастланиши олдини олишдан, юкори мехнат унумдорлигига эришишга ёрдам берадиган кулай шароитларни яра-тишдан иборат. «Мехнат мухофазаси» курси 4 булимдан иборат:

**1. Мехнат конунчилиги асослари** - Хукукий меъёрлар мажмуаси булиб, ишчи ва хизматчиларнинг мехнат муносабатларини бошкариб туради.

**2. Ишлаб чикириш санитарияси** – ишлаб чикиришдаги заарли омиллар таъсирини олдини оладиган чора-тадбирлар ва техника воситалар мажмуасидир.

**3. Техника хавфсизлиги** – ишчиларни хавфли ишлаб чикириш омиллари таъсиридан асраб колиш ва захарланувига олиб келувчи тадбирларни камайтиришга каратилган чора-тадбирлар ва техника воситаларидир.

**4. Ёнгин хавфсизлиги** – корхонада ёнгин пайдо булиш хавфини олдини олиш, инсоннинг моддий бойликларни мухофаза килишдан иборат.

**Ишлаб чикиришдаги хавфли омил** – ишлаб чикиришда ишловчиларга муайян шароитларда таъсир этганда шикастланишга ёки согликнинг кескин ёмонлашувига таъсир этадиган омил. Бунга мисол килиб, харакатланаётган машина, трактор, юк кутариш воситалари билан кутариладиган юк, машина ва механизmlарнинг мухофазаланмаган айланувчан ва кайтма-илгарилама харакат килувчи кисмлари (карданли, занжирли, тишли, тасмали узатма) нинг харакати хавфли омиллар каторига киради.

**Ишлаб чикаришдаги заарли омил** – иш вактида таъсир этибкасалланишга ёки иш кобилиягининг пасайишига олиб келадиган омил. Заарли омилларга нефт махсулотлари (бензин, дизел ёкилгиси буглари, пестицидлар, минерал угитлар, чанг, шовкин, титраш иш жойида намликнинг ортиши ёки кучли ёритилганлиги, иклим шароитлари ва бошкалар киради.

**Электр хавфсизлиги** – кишиларни электр токи, электр ёйи, электромагнит майдонининг заарли хамда хавфли таъсиридан муҳофаза килишни таъминлайдиган ташкилий ва техник чора-тадбирлар системаси.

**Шикастланиш** – ишлаб чикаришдаги заарли ёки хавфли таъсиrlар натижасида инсон органлари ёки тери коплами физио-логик бир бутунлигининг бузилиши.

**Мехнат шароити** – меҳнат жараёнида инсоннинг саломатлиги ва иш кобилиятига таъсир этадиган омиллар мажмуи.

**Шахсий химояланиш воситалари** – бир ходимни муҳофаза килиш учун хизмат киладиган воситалар. Шахсий химояланиш воситаларига – иш кийими, пойафзал, газникоблар, респираторлар, никоблар, шлемлар, химоя кузойнаклари, кулокчинлар ва бошкалар киради.

**Ишлаб чикаришдаги баҳтсиз ҳодиса** – иш вактида юз берадиган ҳодиса.

**Касб қасаллиги** – киши организмига иш шароитларининг заарли таъсири натижасида келиб чиккан (сурункали чангли бронхитлар, титраш қасаллиги, хар хил кимёвий газлар билан захарланиш) қасалликдир.

Иш жараёнида хаво таркибидаги заарли моддаларнинг йул куйса буладиган концентрацияси – ишчи хар куни 8 соатдан (ёки бошка иш куни, умуман хафтасига 40 соатдан ортик булмаган) ишлаганда нафака ёшига етгунча қасаллик ёхуд соглигига узгаришлар келтириб чикармайдиган микдор.

Хавфсизликни таҳлил килишда системали таҳлил маълум самара бериши аникланган. Бунда «одам-машина» системаси диккатга сазовордир.

«Одам-машина» системаси шундай тушуниладики, улар машина, одам-оператор йигиндисидан ташкил топган булади, кайсики, у меҳнат фаолиятини, иш жойида амалга оширади. Бу системада машина деб техник воситалар йигиндисига айтилади, булардан одам уз иш фаолияти ва меҳнат жараённада фойдаланади.

Операторнинг жарохатланишини, касб касаллигини бартараф этиш ва иш самарасини ошириш учун системанинг хавфсиз ишлашини юкори даражада таъминлаш керак. Лекин ишлаш вактида чанг, тебраниш, шовкин ва бошкалар натижасида вужудга келадиган ходисалар системанинг бузилишига олиб келади. Шунингдек, операторнинг иш шароитига хаво намлиги, харорат, (жамоадаги рухий холат, меҳнат интизоми ва бошкалар) таъсир килади. Ишчиларни жарохатланишдан саклаш максадида «одам-машина» системаси хар хил курсаткичларга караб оптималлаштирилади, яъни эргономик талаблар ва курсаткичлар, эргономик хусусиятлар таъсир этади. Шахснинг эргономик хусусиятлари антропометрик, физиологик, психофизиологик ва гигиеник хусусиятлар билан белгиланади. «Одам-машина» системасининг фао-лияти самарадорлик курсаткичларига боғлик. Антропометрик параметрлар эргономик талабларни аниклайди ва шахсни буюмга муносабатининг антропометрик хусусиятларини аниклайди. Психофизиологик хусусиятлар - курол, меҳнат махсулоти ва мухитни биргаликда сезги аъзо (эшитиш, куриш, хис этиш ва бошкалар) ларининг функционал ишлашга мутаносиблигидир. Гигиеник хусусиятлар «одам-машина» системасини хаёт ва фаолият гигиеник шароитларини ва ишчининг иш кобилиятини, этиштирилган махсулотнинг мухит билан боғлик-лигини аниклайди. Рухий хусусиятлар инсоннинг рухий (фикрлаш, тажрибанинг мустахкамлик даражаси ва бошкалар) фаолияти, махсулот этиштиришда мухитга мосланишини таъминлашга йуналтирилган. Мехнат муҳофазаси фани мутахассисликка тегишли асосий назарий билимларни беради. Аник муаммолар, транспорт воситалари, технологик жараёнлар, иш турлари, бино

ва иншоотлар учун хавфсизликни таъминланлаш хар бир фаннинг мутахассислик курсларида берилади

### **Мехнат муҳофазаси ҳакида конунчилик асослари**

Узбекистонда мехнат муҳофазаси куплаб конун чикарувчи расмий хужжатлар билан белгилаб қўйилган булиб, тартибга солиб ва бошкариб турилади. Узбекистон Республикаси Конституциясида, мехнат ҳакидаги конунлар асосларида мехнат муҳофазасига оид асосий низомлар келтирилган. Узбекистон Республикасида соглом ва хавфсиз мехнат шароитини яратиш давлат ахамиятига молик ишдир. Узбекистон Республикаси Конституциясида: Хар бир шахс ...”ишизликдан химояланиш хукукига эгадир” - дейилган. Узбекистон Республикаси конституциясига мувофик Давла-тимиз фуқоролари, миллати ва иркидан катъи назар, тенг хукуклидирлар. Аёлларга эркаклар билан тенг хукук берилган. Шароити оғир ва заарли ишларда аёллар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш таъкикланди. Хомиладор аёлларнинг тунда ва ишдан ташкари вактда ишлашлари чекланган.

### **Мехнат муҳофазасини назорат килувчи ташкилотлар**

Мехнат муҳофазаси буйича конунларнинг бажарилишини назорат килиб туриш қўйидаги давлат ташкилотларига топширилган:

1. Уз. Р. меҳнат Вазирлиги. Мехнат муҳофазаси Давлат техник нозирлиги;

2. Давлат кон техник назорати агентлиги;

3. Республика санэпидемстанция назорати;

4. Давлат ёнгин назорати;

5. Давлат энергия назорати.

I. Мехнат муҳофазаси Давлат техник нозирлиги.

Булар корхоналарда хавфсиз ишлаш, техника хавфсизлиги буйича меъёр ва коидаларига риоя килиш, саноат санитарияси ва меҳнат гигиенасига риоя килиш, меҳнат конунчилигига риоя килиш масалаларини назорат килади. Хар бир тармок уз техник нозирига эга. Булар корхоналарда хавфсиз

ишлаш, техника хавфсизлиги буйича меъёр ва коидаларига риоя килиш, саноат санитарияси ва меҳнат гигиенасига риоя килиш, меҳнат конунчилигига риоя килиш масалаларини назорат килади. Хар бир тармок уз техник нозирига эга. II. Давлат кон техник назорати агентлиги. Бу ташкилот буг козонларининг тугри ишлашини, босим остида ишлайдиган идишларни, юк кутариш машиналари (кутар-ма кранлар, лифтлар), экскаваторлар, газ ускуналари магистрал кувурлари ишини ва портловчи моддаларни ишлатиш, саклаш ва ташиб ишларини назорат килади.

III. Республика санэпидемстанция назорати - Бу ташкилот хавони, сувни ва тупрокни ифлосланишдан огохлантириш, шов-кин ва титрашни йукотиши, цехларининг санитария холатларини яхшилаш (харорат, нисбий намлик, ёритилганлик ва х.к.) ишларини назорат килади.

IV. Давлат ёнгин назорати - бу ташкилот ёнгинга карши тадбирларни, ут учирини воситаларининг холатини, ёнгин хақида хабар берини воситаларининг ишини назорат килади.

V. Давлат энергия назорати - бу ташкилот корхоналаридаги энергия системаларининг техник эксплуатациясини ва хавфсиз-лик техникиси коидаларига риоя килишни назорат килади.

## **ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ**

### **Фуқаро муҳафазасининг асосий тушунчалари.**

Фавқулодда вазиятларнинг кейинги вақтларгача қабул қилинган хуқуқий – меъёрий ҳужжатларида ўз ўрнини топган айрим асосий тушунчалари умумлаштирилган ҳолда ягона тизимга келтирилди. Бу тизим Ўзбекистон стандартлаштириш, метереология ва сертификатлаштириш давлат марказининг маҳсус қарорига мувофиқ тасдиқланди ва амал қилиш учун жорий этилди. (O’zDat 981:2000) Бундан кутилган асосий мақсад, фавқулодда вазиятларнинг асосий тушунчалари, атамалари ва уларнинг таърифларини турли ҳужжатларда, илмий ва оммабоп ҳамда ўқув адабиётларида бир хилда қўлланилиши ва тушунилишини таъминлашдан иборатдир. Мазкур ягона тизим уч қисмдан иборат бўлиб, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ҳамда фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ташкилий структурасини атамалари ва таърифларини мужассамлаштирилган.

**Фавқулодда вазият (ФВ)** – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф – табиий муҳит зарар қўришига, анчагина моддий талофотга ва инсонларнинг ҳаёт фаолияти издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, халокат, хавфли табиат ҳодисаси, табиий ва бошқа оғат оқибатида муайян худудда юзага келган шароит, албатта бундай шароитни юзага келишида табиий, техноген, экологик, харбий ва ижтимоий сабаблар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга фавқулодда вазият қамраб олган худуднинг кўлами, етказилган моддий зарарнинг миқдори ҳам турли хил бўлади. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш - олдиндан ўтказиладиган ва фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфини иложи борича максимал даражада камайтиришга, шунингдек бундай вазиятлар юзага келган тақдирда одамлар соғлиғини сақлаб қолишга, атроф табиий муҳитга етадиган зарар ва моддий талофат миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплексидир.

Бундай тадбирлар фавқулодда вазиятнинг турларига мувофиқ турли илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда кўпгина давлатларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, башоратлаш тадбирларига катта – катта маблағлар сарф қилинмоқда. Бу эса юз бериши мумкин бўлган хавфни олдини олишга, энг муҳими инсонлар саломатлигини сақлашга, атроф муҳитга жиддий зарар етишини олди олинишига олиб келади. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш – фавқулодда вазиятлар юзага келганда ўтказиладиган ҳамда одамлар хаёти ва соғлигини сақлаб қолишга, атроф табиий муҳитга етадиган зарар ва моддий талофат миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазият зоналарини чеклаш ва хавфли омиллар таъсирини тўхтатишга қаратилган авария – қутқарув ва бошқа шошилинч ишлар комплексидир. Инсоннинг хаёти турли оғату- фалокатлардан тўлиқ кафолатланмаганлиги ҳаммага аёндир. Шундай экан, у ёки бу хусусиятга мансуб бўлган фавқулодда вазият содир бўлганда, унинг оқибатида юзага келган талофатларни албатта бартараф этиш лозим. Республикаизда бундай вазифаларни адо этувчи маҳсус бўлинмалар мавжуд. Бу бўлинмалар фавқулодда вазиятнинг турига қараб доимий шай холатдадир. Содир бўлган фавқулодда вазият ўчоғига биринчи бўлиб айнан шу бўлинма мутахассислари етиб келишади (бу хақида 4-чи мавзуда маълумот берилади).

**Фавқулодда вазиятларни олдиндан прогноз қилиш.** Фавқулодда вазият юзага келишининг эҳтимол бўлган сабабларини, унинг илгариги ва ҳозирги манбайнини таҳлил қилиш асоси фавқулодда вазият юзага келиши эҳтимолини ва ривожланиб боришини олдинроқ акс эттиришdir. Бу тадбир мураккаб жараён бўлиб, прогнозлаш бўйича катта маъсулиятни талаб қиласди. Фавқулодда вазиятларни олдиндан прогнозлаш узоқ муддатли, қисқа муддатли ҳамда тезкор прогнозлаш турларига бўлиниб, у фавқулодда вазиятнинг хусусиятига ва содир бўлиш вақтига боғлиқдир. Табиий

хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларни прогнозлаш аксарият ҳолларда узоқ муддатли бўлиб, харита кўринишида бўлади. Бундай илмий йўналишда олиб борилаётган изланишлар алоҳида ўрин эгаллайди. Техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларни прогнозлаш эса халқ хўжалиги объектининг жойлашган ўрни, фаолият кўрсатиш ва ишлаб чиқаришдаги маҳсулотининг миқдорига қараб аниқ ҳисоб-китоблар асосида олиб борилади.

**Фавқулодда вазиятлардан огоҳ бўлиш** - Атрофдаги табиий муҳит ва потенциал хавфли объектларнинг, фавқулодда вазият манбалари пайдо бўлишини олдиндан прогноз қилиш ва профилактика қилишнинг аҳволини кузатиш ва назорат қилишни ташкил этилишига, шунингдек фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, мухандислик-техникавий, экология-муҳофаза, санитария-гигиена, санитария-эпидемиологик ва маҳсус тадбирлар комплексидир.Ҳар бир соҳада ҳушёрлик, огоҳ бўлишлик орқали шахсий ва жамоат хавфсизлиги таъминланади. Бунга эришиш учун мавжуд маълумотларнинг ҳаммасидан фойдаланиш лозим. Айниқса, жойнинг табиий тузилиши, табиий манбалар (сув, ҳаво, тупроқ, рельеф ва х.к.) нинг холати, ўзгариши, ўзаро боғлиқлигини, ишлаб чиқариш объектлари хусусияти орқали эса инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган нохуш вазиятларнинг негизидан хабардор бўлинади. Асосий эътибор тез ўзгарувчан санитария – гигиена, санитария – эпидемиологик маълумотларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш** – муайян худуд ёки потенциал хавфли объектда аҳолини ва моддий бойликларини фавқулодда вазият манбаларининг шикастловчи омиллари ва таъсиридан муҳофаза қилиш учун, шунингдек фавқулодда вазиятларни тугатишда бошқарув органлари, куч ва воситаларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун шароит яратувчи олдиндан ўтказиладиган тадбирлар комплексидир.Мазкур тадбирлар мажмуаси фавқулодда вазиятларда тўғри харакат қилиш қоидаларини билиш керак ва уларни уюшқоқлик билан ўтказишда мухим

ахамият касб этади. Бу тўғрида хукуматимиз томонидан кўпгина қарорлар қабул қилинган бўлиб, уларни ижросини таъминлаш ҳар бир ташкилот раҳбарларига катта масъулият юклайди. Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш, аввало оилада, умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта ўқув масканларида, ишлаб чиқариш тармоқлари ва маҳаллаларда олиб борилади. Тайёргарлик жараёни маҳсус дастурлар асосида олиб борилиб, ҳар қандай қўшимча мураккабликлардан холи бўлиши зарур. Тайёргарликни юксак даражада бўлиши учун телерадио ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, мунтазам сухбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, инсонлар саломатлигини юксак даражага кўтариш масалалари бўйича ҳам бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинади жумладан, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннингасосий мақсади – аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишдан иборатдир. “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” ги қонуни гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, концервациялаш ва тугатиш хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисда” ги қонуни – фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилашдан иборатдир. “Радиациавий хавфсизлик тўғрисида” ги қонун – радиациявий хавфсизлик, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки,

шунингдек атроф-муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарали таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу қонунлар том маънода ҳозирги замонда аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ягона ҳуқуқий асосини белгилайди. Уларнинг амалдаги харакати маҳсус қўлланмалар ва давлат стандартлари асосида олиб борилади. Бу борада, Фуқаро муҳофазаси институтининг ходимлари маҳсус изланиш олиб бориб, 2000 йилда юқорида қайд қилинган Давлат стандартларини тасдиқладилар. Навбатдаги асосий вазифа ҳар бир ташкилот, идора, илмий ва адабий ёзишмаларда мазкур стандартларга тўла риоя қилишни таъминлашдан иборатdir. Фавқулодда вазиятлар тўғрисида фикр билдиран эканмиз, уларнинг маънавий ва маърифий асослари негизига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ватанимиз ҳудудларида ўтмишда ҳам турли табиий оғатлар содир бўлган ва ҳозирда ҳам давом этаяпти. Фарқи шундан иборатки, инсон томонидан табиий манбаларни ўзлаштириш оқибатида “табиат ва инсоният” тизимида, мувозанати бузилиб, нохуш вазиятлар йилдан - йилга кенг кўламда, кўп тармоқли ва мураккаб хусусиятни намоён қилмоқда. Тарихдан маълумки, ота-боболаримиз ҳам табиийжараёнларни кузатишлар, йиллараро таққослаш, даврийлигини аниқлаш орқали хавфсизликни таъминлаш учун маълум чора тадбирларни қўллашган. Бизнинг давримизгача етиб келган маънавий дурдоналар, ҳалқ мақоллари ханузгача ҳаёт хавфсизлиги тадбирларини амалга оширишда дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, “Хушёр бўлсанг оғат кўрмайсан”, “Фалокат оёқ остидадир”, “Сақлансанг – соғ қоласан”, “Сақланганни сақлайман”, “Синч уйим-тинч уйим” ва шу каби ҳаётий тажрибадан ўтган иборалар борки, йиллар ўтган сари уларнинг қадр - қиймати ортиб борса борадики, асло тушмайди. Ҳозирги вақтда миллий маънавият тўғрисида турли хил фикрлар билдирилар экан, маънавий камолатга етакловчи ахлоқий маданият, ахлоқий тарбияда бебаҳо мулк хисобланмиш, ота-боболаримиз ҳаёт тажрибаси ва қомусий алломаларимизнинг нодир асарларида битилган тарихий меросни ўз

ўрнида ва ҳар томонлама ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Зеро, буюклигимизнинг асоси ҳам бой тарихий меросимиздадир. Муқаддас китобларда битилган соғлом ва тинч – осуда турмуш кечириш тамойилларини ҳозирги кун талабида изоҳлаб, ҳар бир ишга тадбиқ этилса, биринчидан, бизгача бўлган тарихга эътибор, ундан унумли фойдаланиш, ота-боболарнинг буюк меросига ҳурматни юзага келтирса, иккинчидан, ҳозирги вақтда мураккаб жараёнлар заминида кечаётган ҳаётимиизда учраб турадиган нохуш ҳолатларни ақл – идрок билан енгиб ўтишга мукаммал тайёргарлик кўриш ҳамда юксак маънавиятга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этади.

**Моддий – техник таъминоти гурухи** – жойларда моддий техник таъминоти бўлимлари миқёсида ташкил этилади. Уларнинг вазифаси: моддий – техник таъминот режасини ишлаб чиқиш, барча зарур жиҳоз турлари билан ўз вақтида таъминлаш, барча буюм ва техникаларни таъмирлаш, уларни иш жойларига ташиш, сақлаш ва хисоби, ишчи – хизматчиларни жойларда ва кўчириш ўринларида озиқ – овқат ва биринчи зарур буюмлар билан таъминлашдан иборатdir.

**Электр таъминоти ва ёруғликни тўсиш гурухлари** – асосий энергетик бўлимлари миқёсида тузилади. Гурух бошлиғи бош энергетик хисобланади. Кучли босимли газ билан, жойларда ёқилги ва электр билан таъминлайди. Электр тармоқлари турли тизимлари ва химоя воситалари, кечикирилмайдиган авария – тиклаш ишлари, ёруғликни тўсиш ва биринчи навбатдаги тиклаш ишлари тадбирларини режалаштирилади. Ўзбекистонда фуқаро муҳофазасини тузишни ташкиллаш, вазифаси ва роли; фавқулодда вазиятлар бўйича вазирлик – табиий оғат, фалокат, ҳалокат оқибатларини тугатиш ва огохлантириш бўйича фуқоро муҳофазасини бошқаришга раҳбарлик қилувчи давлат органидир. Фуқоро муҳофазаси қишлоқ хўжалиги жойларда (ўқув муассасаларида) ташкилий тизими. Фуқаро муҳофазаси ҳарбийлашмаган, уларнинг тайинланиши ва жиҳозланиши. Ўзбекистон Республикаси “Фуқоро муҳофазаси тўғрисидаги” қонуни Ўзбекистон

Республикаси Олий мажлис қарори билан 2000 йил 26 майда 5-асосий бобдан ва 23 та моддадан иборат ишлаб чиқилган.

## Умумий қоидалар.

I.Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари.

II.Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари.

III.Фуқаро муҳофазаси хизматлари ва кучлари.

IV.Фуқаро муҳофазасини молиявий таъминлаш

V.Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулки.

1 – модда: Асосий тушунчалар;

2 – модда: Фуқаро муҳофазаси вазифалари;

3 – модда: Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;

4 – модда: Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик;

5 – модда: Фуқаролар муҳофазаси соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик;

6 – модда: Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш;

7 – модда: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари;

8 – модда: Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги маҳсус ваколатлари давлат бошқарув органи;

9–модда: Вазирликлар ва идораларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари;

10 – модда: Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (тегишли) фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари;

11– модда: Ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари;

12–модда:Фуқаро ўзини – ўзи бошқариш органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги иштироки;

13 – модда: Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги хуқуқлари;

14–модда:Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари;

- 15–модда:Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаро мухофазаси соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари;
- 16–модда:Аҳоли ва мутахассисларни фуқаро мухофазаси соҳасида тайёрлаш;
- 17 – модда: Фуқаро мухофазаси хизматлари;
- 18 – модда: Фуқаро мухофазаси кучларининг таркиби;
- 19 – модда: Фуқаро мухофазаси қўшинлари;
- 20 – модда: Фуқаро мухофазаси тузилмалари;
- 21 – модда: Фуқаро мухофазасини молиялаш;
- 22 – модда: Фуқаро мухофазаси қўшинларининг асосий фондлари;
- 23 – модда: Фуқаро мухофазаси объектлари ва мол-мулки;

### **Корхонада мавжуд бўлган захарли моддалар узининг миқдори, сақлаш холати, санитар зонанинг ўлчами**

Давлат стандарти буйича саноат корхона чикиндилари захарлилиги ва ташки мухитга хавфлилиги билан турт гурухга булинади; 1) фавкулодда хавфли; 2) жуда хавфли; 3) уртacha хавфли; 4) кам хавфли; Масалан, чикиндилар таркибida симоб,маргимуш,хром кургошинли азот, туз ва бошкалар узининг хавфлилиги билан 2 гурухга тугри келади. Корхонада чикинди ахлатларида мис сульфати, миснинг шавел кислотаси тузлари,никелнинг хлорли тузи,кургошин оксиди ва бошкалар узининг киши соглигига зарари буйича 3-гурухга тугри келади. Чикиндиларда фосфатларни,марганец,рухнинг сульфат тузлари ва бошкалар хам хавфли зарарли моддаларга,яъни 4-гурухга тегишлидир. Корхона чикиндилари угит,курилиш материаллари ва баъзи бир маҳсулотларни тайёрлашда хом ашё сифатида ишлатилади. Саноат чикинди сувларини маълум нормада кишлок хужалиги экинларини сугориш учун ишлатса хам булади. Хулоса килиб айтганда, саноат корхоналаридан чикадиган чикиндиларни халк хужалигининг турли тармокларида ишлатиш мумкин, бу гигиеник ва иктиносий жихатдан катта ахамиятга эгадир. Полигонга олиб келинадиган хар бир чикиндининг паспорти,техник характеристикаси,миқдори,таркиби ва

улар билан ишлаш техника хавфсизлигини бажариш йуриклари курсатилиши керак. Полигонларни лойихалаш даврида унинг паспорти тузилади, унда тупрокнинг кимёвий таркиби, ер ости сувлари, атмосфера хавоси ва чикиндиларнинг таркибий кисми, миқдори акс эттирилади. Полигон ишга тушгач вакти-вактида 3000 метр масофа радиусида унинг атмосфера хавосига, ер ости сувлари, усимликлар таркиби, полигон якинидаги тупрок таркиби текшириб турилади.

**Ута захарли чикиндилар** - таркибida симоб, маргимуш, синиль кислотаси, сарик фосфор ва бошкалар бетонли ёки металл контейнерларда чукур ураларда кумилади, бунда 2—,5 метрли калинликда лой тулдирилади, кейин усимлик устириш учун тортилади.

### **Фавқулодда вазиятлар вақтида қутқарув ишлари**

Эвакуация тадбирларни ўтказиш хусусиятлари қуйидагиларга қараб белгиланади.

- фавқулодда вазият манбанинг тавсифи (туси).
- фавқулодда вазият манбанинг таъсир қўрсатиш доираси, вақти (тавсифлари).
- Тарнспортда ва пиёда олиб чиқиладиган аҳолининг сони ва қамраб олиши;
- Тарнспорт воситаларининг мавжудлиги ва уларнинг имкониятлари.
- Эвакуация (аҳолини қўчириш) тадбирларининг ўтказиш вақти ва шошилинчлиги.

Эвакуация тадбирларни ўтказиш вақти ва муддатига қараб эвакуациянинг 2 турга ажратса бўлади.

- 1- Олдиндан ўтказиладиган эвакуациялар.
- 2- Шошилинч эвакуациялар.

Фавқулодда вазият ривожлана бориши ва ҳарбий харакатларнинг тавсифига қараб, фавқулодда вазият юзага келган худуддан олиб чиқиладиган, аҳоли сонига қараб, эвакуация З хилда бўлади: 1-Чекланган эвакуациялар. 2-Махаллий эвакуациялар. 3-Минтақавий эвакуациялар.

## **Бўлиши мумкин бўлган фавқулотда вазиятлар хақида**

### **Ёнғин хавфи туғилганда ва содир бўлганда**

оқилона ва ўйлаб тез ҳаракат қилишлари;

-ўт ўчириш хизматига хабар беришлари;

-мавжуд воситалар ёрдамида ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилиш;

-одамларни қутқаришга ҳаракат қилишлари;

-ёнаётган одамга алангани устига қалин мато ташлаб ўчиришлари;

-тутунли хонада ерга эгилиб ҳаракат қилишлари;

-ёнғин кучайиб кетмаслиги учун эшик ва деразаларни очмасликлари;

-ёнаётган бинодан тезлиқда чиқиб, устига намланган чойшаб ташлаб олишлари;

-электр асбобларидан чиққан ёнғинни ўчиришда, аввал уни ток манбаидан узиб қуишилари лозим:

### **Шахсий ҳимоя воситалари.**

Шахсий ҳимоя воситалари фильтровчи ва ажратувчи противагазлар (газниқоблар), респираторлар ва терини ҳимояловчи воситалар (ҳимояловчи комплекс кийимлар, костюмлар, комбинзонлар ва бошқалар) га бўлинади. Буларнинг барчаси нафас аъзоларини, кўз ва тери қаватларини радиактив, заҳарловчи моддалар ва бактериологик воситалар таъсиридан сақлайди. Уларнинг ҳаммаси ўзининг ҳимоялаш хусусиятига кўра фильтровчи ва ажратувчиларга бўлинади. Фильтровчи воситаларнинг ҳимоялаш хусусияти ҳавони ҳимояловчи материаллар орқали ўтказишга асосланган бўлиб, унда ҳаво радиактив заҳарловчи моддалар ва бактериологик воситалардан тозаланади. Ажратувчи воситаларнинг ҳимоялаш хусусияти одам организмини ташқи мухитдан тўлиқ ажратишга қаратилган бўлади. Нафас олиш учун керак бўлган ҳаво пневматегон ёки пневматафор усулда ишлайдиган кислород аппаратлари ёрдамида олинган бўлади. Умумхарбий ҳимоя воситалари билан бутун ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизматчилари таъминланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Кўчқоров Ў.Р., Икромов Т.Х. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси. Коллеж талабалари учун дарслик. Тошкент. 2003 й. -288 б.
2. Кўчқоров Ў.Р. Гўшт маҳсулотларини стандартлаш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Чўлпон нашриёти. 2004 й. – 256 б.
3. Кўчқоров Ў.Р., Икромов Т.Х. Гўшт ва сут маҳсулотлари технологияси. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2003 й. 240 б.
4. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Ибрагимов А. Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг жиҳозлари. КҲҚ-лари учун ўқув қўлланма. Тошкент «Шарқ» нашриёти, 2007. -192 бет.
5. Боровский В.А. Энциклопедия по переработке мяса. Москва. Из.-во «Солон-Пресс», 2002.
6. Ивашев В.И. Технологическое оборудование предприятий мясной промышленности. Санкт-Петербург. Из.-во «Гиорд», 2007.
7. Вольферц В. Ю., Чернобыльский Г. И., Фалеев Г. А. Механическая съемка шкур с туш крупного рогатого скота. Пищепромиздат, 1935.
8. Гураи Н.Г. Подъемно-транспортное оборудование мясной и молочной промышленности. Пищепромиздат, 19Э6.
9. Гураи Н.Г. Конвейеризация первичной переработки скота. ЦИНТИПищепром, 1961.
10. Лагоша И. А., Солунский А. Д. Оборудование для первичной переработки скота и обработки шкур. ВНИИМП, 1959.
11. Пелеев А.И. Технологическое оборудование предприятий мясной промышленности. Пищепромиздат, 1963.
12. Пелеев А.И., Гураи Н.Г. Шприцы непрерывного действия. ЦИНТИПищепром, 1960.